



## Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод ватан!

Шу йил 19 июн куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма бир йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. 20 июн куни байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Республика комиссиясининг мазкур қарор ижросини таъминлашга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, республика вазирлик ва идоралари раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, комиссия раиси Ш.Мирзиёев бошқарди.

Қарорда таъкидланганидек, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган улкан янгиланишлар, одамларимиз, аввало, ёшларимизнинг онгу тафаккури, сиёсий савияси, ижтимоий фаоллиги юксалиб, Ватанимизнинг қудрати ва салоҳияти, халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора ортиб бораётгани халқимиз учун энг улуғ, энг азий бўлган мустақиллик самарасидир.

Комиссия мажлисида ана шу муқаддас байрамга муносиб тайёргарлик кўриш ва уни халқимиз ҳаётида ёрқин из қолдирадиган даражада ўтказиш, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳот ва ўзгаришларнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг тарғиб қилиш, байрамга тайёргарлик ишларини аниқ тизим асосида ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Қарорга мувофиқ, «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» деган ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқиш ва кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда амалга ошириш бўйича ҳар бир вилоят ва ҳудуд, вазирлик ва идоралар, меҳнат жамоалари, нодавлат ташкилотлар, маҳалла идоралари олдида турган вазифалар кўриб чиқилди.

Бу борада шаклланган ижобий тажрибалардан келиб чиққан ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари, Хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари Мустақиллик байрамини муносиб нишонлаш учун тегишли комиссиялар тузиши ҳамда республика дастурида белгилаб берилган асосий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш, байрам арафасида шаҳар ва қишлоқларда, маҳалла ва гузарларда, кўпқаватли уйлар атрофида ободонлаштириш ишларини олиб бориш билан боғлиқ масалалар атрофича муҳокама қилинди.

Комиссия йиғилишида Тошкент шаҳрида ва жойларда ўтказиладиган байрам тадбирларига оммавий томошалар бўйича юксак маҳорат ва тажрибага эга бўлган мутахассислар, ижодий гуруҳлар, таниқли олимлар, ижодкор зиёлилар, жамоатчилик вакиллари кенг жалб этиш ҳақида фикр юритилди.

Мажлисида байрам тадбирларини юзакилик ва баландпарвозликка йўл қўймасдан, одамларнинг қалби ва онига етиб борадиган, уларнинг руҳи ва кайфиятини кўтарадиган, янги марралар сари илҳомлантирадиган жонли ва таъсирчан шаклларда ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

ЎЗА



Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий ўқув муассасалари битирувчиларига дипломлар ва кўкрак нишонлари топширилди ҳамда лейтенант унвони берилди. Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юрти, Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус факултети, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти, Самарқанд олий ҳарбий автомобил кўмондонлик-муҳандислик билим юрти ва Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юртида шу муносабат билан тантанали тадбирлар бўлиб ўтди.

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида миллий армиямиз йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Замонавий касб кўникмалари, юқори интеллектуал салоҳият, яхши ташкилотчилик қобилиятига эга, ҳар қандай вазиятларда мустақил тўғри қарорлар қабул қилишга қодир офицер кадрларни тайёрлаш бўйича самарали тизим йўлга қўйилди.

Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юртида бўлиб ўтган тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари — Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғи, генерал-майор В.Маҳмудов ва бошқалар шу ҳақда гапирди. Битирувчилар ва уларнинг ота-оналарини ушбу унутилмас кун билан муборакбод этди ва муваффақият тилади.

ЎЗА хабари асосида тайёрланди

### САҲИФАЛАРИМИЗДА

Намунали туман кенгашларида

#### Юрт тараққиётига барчамиз масъулмиз

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши Раёсатининг 2012 йил 23 февралдаги «Туман кенгашлари, бошланғич ташкилотларнинг Устав бўйича фаолиятлари намунали тарзда олиб борилишини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асосида Хоразм вилоятида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

4-5

Соғломлаштириш

#### Болалар кулгуси

19 июн куни пойтахт вокзалида Қорақалпоғистоннинг турли ҳудудларидан жам бўлган 170 нафар бола Тошкент шаҳар касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши масъул ходимлари, ОАВ вакиллари томонидан кутиб олинди.

7

Митти ҳикоялар

#### Бир парча ер

Эртасига Парда бобо боғининг бир четидан болаларга футбол ўйнаши учун жой ажратди. Улар ҳам бобога беда ўриш, меваларни теришда ёрдам берамиз, деб ваъда беришди.

11

## Оталикдаги соҳа



Паррандачиликка етти хазинанинг бири сифатида таъриф берилди. Юртимизда соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги ҳам бежиз эмас. Биргина Самарқанд вилоятидаги «Оҳалик-Ломан-Парранда» қўшма корхонаси жорий йилда вилоятдаги ҳар бир туманга 4,5 мингтадан жўжа тайёрлаб беришга эришди.

Мустаҳкам оила йили муносабати билан вилоят касаба уюшма ташкилотлари кам таъминланган оилаларни парранда билан таъминлаш борасида қатор ишларни амалга оширмоқда. Вилоятдаги товук боқиш имконияти бор хонадонларга шу кунгача мазкур корхона орқали 70 минг донага яқин парранда етказиб берилди.

# Рўзғор баракаси

Ташаббуснинг қаноти бор, дейишди. Касаба уюшмалари нашри бўлмиш «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари тахририяти ҳам савобли ишдан четда турмади. Тахририят эрта кўкларда паррандачилик корхонаси билан шартнома имзолаб, 100 та жўжани тухум берадиган даражада парваришлаб беришга келишиб олганди. Ўтган ҳафта корхона бошлангич касаба уюшма ташкилоти раҳбари Маҳмаюсуф Жумаев жўжаларимиз товукча айлангани тўғрисидаги хабарни етказди. «Маҳалла» хайрия жамғармаси Ургут туман бўлими раиси Олим Ҳошимов билан келишган ҳолда товукларни ҳудуддаги кам таъминланган хонадонларга етказадиган бўлди.

«Оҳалик-Ломан-Парранда» ва тахририят ўртасидаги мустаҳкам алоқа товук танлашда ҳам қўл келди. Корхона муҳандиси Фаррух Қобулов вази анча оғирлашиб қолган товукларни махсус яшиқларга жойлаб берди.

— Эрта-индин тухум бера бошлаганини кафолатлайман, — дейди муҳандис. — Бўлғуси эгалари уларни ҳеч қийналмасдан парваришлаши мумкин.

Ургут тумани сари йўлга тушдик. Товукча эҳтиёжманд, аммо уни харид қилишнинг имкониятини тополмаётган оилалар анчагина экан. Маҳалла раиси ва котиби иштирокида Бешбулоқ қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Бекрабоб маҳалласига келдик. Бу ерда қисмат боис турмуш ўртоғидан эрта ажралиб уч нафар вояга етмаган фарзанди тарбияси билан машғул Бахтинисо Эргашева истиқомат қилар экан. Тўхфамиз хонадон аъзолари учун қутилмаган ҳол бўлди. Шошиб қолган Бахтинисо товукларни қабул қилишни ҳам, қабул қилмаслик-

ни ҳам билмасдан биров иккиланди. Олим акининг тушунтиришидан сўнг чехраси ёришди. Хонадонда товук боқишга тўла шароит бўлсада бу юмушга қўл урилмаган экан.

— Ҳукуратимизга раҳмат, — дейди Бахтинисо Эргашева ҳаяжонини босолмасдан. — Дастурхонимизда тухум танқис бўлаётганига қўриб-билиб турган экан. Фарзандларимга бу ғамхўрликни ўзим англамаман. Товукларни парваришлаб оиламиз эҳтиёжини таъминлаймиз. Бозордаги мўл-кўлчиликка ҳисса қўшамиз.

Шу маҳаллада яшовчи Мактаб Тўхтамишева ҳам бир неча марта парранда боқишга аҳд қилган. Ҳатто парваришлаш учун жой ҳам тайёрлаган. Бироқ оилавий шароит туфайли бу ишнинг худдасидан чиқмаган. Маҳалла оқсоқоли ҳамда жамғарма раиси тавсияси билан унга ҳам 20 та парранда топширилди. Шу куни Бекрабоб, Вағашти, Пачвон маҳаллаларидаги қатор хонадонлар паррандали бўлди.

Хайрли ишда иштирок этишнинг гашти ўзгача. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси биносидан соғлиқни сақлаш ходимлари вилоят кенгаши раиси Анвар Сувоновни учратдик. «Кўшработлик оилаларга тарқатилган паррандалар аҳолидан хабар олдим, тожлари қизариб қолибди, — деди у. Агросаноат мажмуи ходимлари вилоят кенгаши раиси Норхол Раҳматова эса: «Бизнинг Нуробод туманида тарқатган паррандаларимиз аллақачон тухумга кирган», — дейди.


Мустаҳкам оила — юрт таянчи. Ундаги аҳиллик, тўкинликка барчамиз масъулмиз.

Нурилла ШАМСИЕВ,  
«Ishonch» муҳбири

## Молия муассасаларида

# Омонатчилар сони ортмоқда

Банклар ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг асосий устунларидан бирига айланди. Айти пайтда қайси соҳани олиб қараманг, банклар кўмагида ривожланиш сари дадил одимлаётир.



Мустаҳкам оила йили банклар зиммасига ҳам катта масъулият юклади. Хусусан, аҳолига, жумладан, ёш оилаларга ипотека кредитлари ажратиш кенг йўлга қўйилди. Муҳими, омонатлар ортиб бораётир. Ҳозирда мижозларнинг жами депозит миқдори 24703123,5 сўмни ташкил этапти. Унинг қарийб 6935806,1 сўми бевосита аҳоли омонатлари бўлиб, омонатчилар сони 31145 нафардан зиёдни ташкил этади. Демак, одамларнинг бизга бўлган ишончи юксалмоқда.

Жорий йилнинг шу даврига қадар мижозларга 20335245,2 сўм муддатли, 5028030 сўм миқдорида эса ипотека кредитлари ажратилди. Шунингдек, йирик лойиҳаларни молиялаштириш мақсадига 1507954 сўм маблағ йўналтирилди.

Ишларимизни янада яхшилаш ва мижозларга қулайлик яратиш мақсадида аҳоли гавжум жойлардаги мини банклар сонини олтига, жамғарма ва коммунал касалар сонини эса 28 тага етказдик.

Мижоз манфаати — устувор вазифа. Ана шу шиор манфаатлар уйғунлигини таъминлаётир.

Кодиржон АБДУЛЛАЕВ,  
АТИБ «Ипотекабанк» Юнусобод филиали бошқарувчиси

## Суғурта

**Мамлакатимизда иқтисодиётнинг барқарор ва жадал ривожланишида суғурта тизимининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Истиқлол йилларида мамлакат суғурта тизими сифат жиҳатидан тубдан яхшиланди. Бу ўз навбатида суғурта хизмати бозорини ривожлантиришнинг янги йўналишлари, услубий ҳамда ҳуқуқий асосларини яратиш имконини берди. Натижада мамлакатимизда бу йўналишда иш бошлаган ташкилотлар ўз фаолиятини жамият манфаатларини ҳимоя қилишга қаратиб, шу йўл орқали миллий иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётга катта фойда келтираётир.**

Бошқача айтганда, инсон фаолияти, унинг мол-мулки, ҳаёти, моддий фаровонлиги ҳамда муайян бир муассаса ва корхонанинг инқирозга юз тутиши хавфи олдиндан ҳимояланиб, юз берган кўнгилсиз воқеа-ҳодисалар оқибатида кўрилган зарарни қоплаш кафолатланмоқда.

Шундай ташкилотлардан бири, банклар ва уларнинг мижозлари, шунингдек, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятида юзага келадиган қалтисликларни бартараф этиш, шу билан

бирга замон талаблари даражасида суғурта хизматларини кўрсатиш мақсадида ташкил этилган. «ISHONCH» Банклараро суғурта компаниясидир. У молия бозорига 15 йилдан ортиқ вақт мобайнида фаолият юритиб келаётир.

Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 9 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ривожлантиришнинг комплекс дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан 1996 йил 16 августда Ўзбекистон банклар

ассоциацияси қошида ташкил этилган мазкур компания ўз мижозларига суғурта хизматини тақдим қилиш йўлида самарали фаолият юритмоқда. Бунинг натижасида компаниянинг устав капиталли жорий йилнинг 10 июн ҳолатига қарийб 5 млрд.

# Каффолат

сўмни ташкил этди. «ISHONCH» БСК суғурта соҳасининг мажбурий ва ихтиёрий шаклдаги барча 17 класс бўйича лицензияга эга ташкилот. Компания қўлга киритаётган барқарор молиявий натижалар ва суғурта соҳасида олиб борилаётган илоҳотлар мунтазам равишда миллий ва халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилмоқда. Хусусан, 2011 йил натижаларига кўра, «ISHONCH» БСК тўлов қобилиятига эга ташкилот сифатида «Ахбор-Рейтинг» агент-

лигининг миллий шкаладаги «uzA+» юқори даражадаги эътирофига сазовор бўлди.

Компания фаолиятида кузатилаётган ижобий ўзгаришлар, ютуқлар унинг ўз мижозлари билан олиб бораётган алоҳида муносабати ва эътибори туфайлидир. Яъни,

дам олиш масканларида бўлиш даврида бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш» номли янги суғурта маҳсулоти тақдим этмоқда. Ушбу муҳим ҳужжат дам олиш масканларида болаларнинг турли бахтсиз ҳодисалар натижасида олган зарарлари бўйича

суғурта қопламаларини тўлаб беришни назарда тутди.

Келажагимиз ворислари бўлган ёш авлоднинг саломатлигини ҳимоялаш мақсадида «ISHONCH» БСК томонидан амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар мамлакатимизда баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган улкан ишларнинг амалдаги бир кўринишидир.

Баҳром КОМИЛОВ,  
«ISHONCH» БСК  
Тошкент вилояти  
филиали директори

● Ўқув-семинар

# Фаолларнинг асосий қуроли

ЎЗКУФКнинг 2012 йил 23 февралдаги Раёсат қарори асосида бошланғич ташкилотлар фаолиятини намунали тарзда олиб бориш бўйича барча тармоқларда қизгин иш олиб борилмоқда.

Яқинда Тошкент шаҳар касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши Тўқимачилик ва енгил саноат институтида шу йўналишда ўқув-семинар ташкил этди. Унда пойтахтимиздаги энг фаол 22 нафар касабаси уюшма қўмитаси раисларига бирлашма кенгаши мутахассислари томонидан батафсил маълумот ва тавсиялар берилди.

Ҳар қандай ташкилот, муассаса ва жамиятнинг ўз олдига қўйган вазифасини юксак даражада адо этиши биринчи галда ишни қай даражада ташкиллаштиришга боғлиқ. Шу боис, етакчилардан ташкилотчилик, ташаббускорлик талаб этилади. Бунинг учун у қорни касабаси уюшма ташкилоти қарорлари ва кўрсатмаларини, иш юритиш тартибларини яхши билмоғи лозим. Кенгашнинг ташкилий ишлар бўлими мутахассиси В. Шулятникова ана шу масалалар бўйича кенг тушунча берди.

Меҳнаткашларнинг соғлиги, билими, дунёқараши ва савиясини юксалтириш

бўйича қилиниши лозим бўлган ишлар ҳақида маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Ш. Тўлаганова маъруза қилди.

Ишчи-хизматчиларни ўз вақтида тиббий кўрикдан, иш ўринларини эса аттестациядан ўтказиб туриш каби масалаларга эътиборсизлик билан қараш жиддий кўнгилсизликларга олиб келиши мумкин. Меҳнат муҳофазасига оид қонунларга қатъий риоя этилишида касабакўмлар кучли назорат ўрнатишлари талаб этилади. Бу борада амалга оширилиши зарур бўлган ишлар хусусида кенгашнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Р. Муҳамадалиев атрафлича тўхталиб ўтди.

Меҳнаткашларнинг ҳақ-хуқуқлари, манфаатларини ҳимоя қилиш учун касабаси уюшма қўмитаси раиси меҳнат қонунларини пухта билиши лозим. Айниқса, ходимни ишга қабул қилиш, меҳнат шартномасини тузиш, иш ҳамда меҳнат дафтарчаларини юритиш каби муҳим масалаларга оид тегишли қонун, қоида ва тартиблар чуқур ўзлаштирилиши шарт.

Кенгашнинг юридик бўлими мутахассиси Ш. Ҳамроев шулар ҳақида батафсил маълумот берди.

Касабаси уюшма фаолларининг асосий қуроли бўлмиш жамоа шартномаларининг бажарилишини назорат қилиб бориш тўғрисида ҳам атрафлича тўхтаб ўтилди. Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш бўлими мудири С. Агзамов бу борадаги кўрсатма ва тавсиялар билан иштирокчиларни яқиндан таништирди.

Маблағни тақсимлаш ва ҳисоб-китоб ишларини олиб боришда кенгашнинг молия бўлими мудири М. Ўрмоновнинг маърузаси кўпчиликни қизиқтирган масалаларга оидлик киритди.

Йиғилиш якунида қатнашчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга мутахассислардан батафсил жавоб олдилар.

Дилором  
АЛЛАҚУЛОВА,  
«Ishonch» мухбири

● Давра суҳбати

Ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, глобаллашув жараёнида юзага келаётган маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш мақсадида аҳолининг сиёсий билим савиясини юксалтиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бу борада туман мувофиқлаштирувчи кенгашлари ибратли ишларни амалга оширмоқда. Шундай тадбирлардан бири — «Ўзбекистон — барқарор ривожланиш йўлида» мавзусидаги давра суҳбатини Ўзбекистон Фанлар академияси бирлашган касабаси уюшма қўмитаси, «Адолат» социал демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши, Бектемир туман ҳокимияти ҳамкорликда ўтказди.

## Барқарор ривожланиш йўли

Давра суҳбатида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Собир Турдиев «Барқарор ривожланиш жараёнида қонунчиликнинг ўрни» мавзусида маъруза қилди. Шунингдек, Республика Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг профессори, сиёсий фанлар доктори Саидхон Саидолимов, туман хотин-қизлар кенгаши раиси Зиёда Тоҳирова, туман ҳокими ўринбосари Абдухалил Эрматовнинг чиқишлари кўпчиликда яхши таассурот қолдирди.

Тадбир иштирокчилари томонидан Юртбошимиз илгари суратган ғоялар бош дастур вазифасини ўтаётганлиги эътироф этилиб, бу ишда барчанинг бирдамликда ҳаракат қилиши барқарор ривожланишнинг муҳим омили эканлиги алоҳида таъкидланди.

Нъмат РАФИҚОВ,  
«Ishonch» мухбири.  
Козим ЎЛМАСОВ олган сурат



Устоз шогирдларига ҳар соҳада ибрат бўлмоғи лозим. Зеро, педагог нафақат билим беради, балки ҳаёт тарзи билан ҳам ўқувчи дунёқарашининг шаклланишига таъсир этади. Мурғак қалб энг аввал устозига ўхшашга, сўзи-ю ўзини такрорлашга интилади. Шунинг учун бўлса керак, бошланғич таълимни олаётганларнинг аксарияти «мен ҳам ўқитувчи бўламан» дейди. Аслини олганда, аёлнинг нозик елкасини раҳбарлик юки бироз эзиб қўймасмикан, деган истиҳолага боргучилар анчагина. Бу ҳақда Наманган шаҳридаги 69-умумтаълим мактаби директори Наргиза Боймирзаева шундай дейди:

## Ўқитувчи ва касабакўм

— Ҳар ишда адолатга таянсангиз, сизни қўлловчилар кўпаяди. Қараб-сизки, ўзига хос машаққатлар роҳатга айланади.

«Ўқитувчи ҳар бир дарсига соатлаб тайёргарлик кўриши шарт. Чунки бугуннинг боласи шунга муносиб. Раҳбар эса ўз ташвишларини унутиб, аввал ходимларининг ҳаловатини ўйлаши лозим. Бу давомли жараёнга ҳар доим вақт топиш керак. Вақт эса уларнинг тенг вақтда урдаланишига ҳар доим ҳам имкон беравермайди.

— Моддий манфаатдорлик туфайли кўпчилик таълим муассасаларида раҳбар кадрлар ҳам дарс соатлари олишади, — дейди бу ҳақда мактаб касабаси уюшма қўмитаси раиси Баҳром-

жон Бўронов. — Бунинг қонунга зид жойи йўқ, аммо дарс беришга келганда, айна меҳнат бошқа ўқитувчилар зиммасига юкланади. Табиийки, ходим манфаатлари дахлсизлигига путур этади. Бизда эса директор ҳам, унинг ўринбосарлари ҳам дарс соатларини ўзлаштиришмайди.

Икки гектар ҳудудда жойлашган мактабнинг атраф-чеккаси гулга бурканган, ҳар бир синфхона-ю йўлакларни анвойи гуллар безаган. Бу жараёнда Наргиза опани иш буяраётган раҳбар сифатида эмас, жонқуяр ҳашарчи сифатида таний бошлайсиз.

Унинг ҳавас қилса арзигулик яна бир хислати бор: ходимларини касабакўмдек ҳимоялайди.

— Мен ҳам касабаси уюшма «фронти»даги битта аъзо-ман. Ходимларнинг кайфияти, ишчанлик салоҳияти ҳуқуқларининг тўлиқ ҳимояси билан боғлиқ экан, демакки, бу ташкилот ишига ба-

жонидил бош кўшмоғим лозим, — дейди у.

Бугунги кунда 421 нафар ўқувчи таҳсил олаётган мазкур маскан биноси 2010 йилнинг 2 сентябрида фойдаланишга топширилган эди. Дарвоқе, кабинетлар тақсимоли вақтида касабаси уюшмасига хона ажратиш масаласини биринчи бўлиб Н.Боймирзаеванинг ўзи кўтарганлиги ҳам бежиз эмас.

Талабчан раҳбар туфайли ходимлар ҳам тиришқоқлиги ва жонқуярлиги билан кўпчиликнинг эътирофига сазовор бўлмоқда. Шунинг учунми, янги мактабга келаётган болалар сони йилдан-йилга ортиб бораётир. Зеро, оналарнинг кўнгли болалари учун улардан-да ортиқ қайғургувчи Наргиза Боймирзаева ва 69-мактаб жамоасига бўлган ишончдан хотиржам тортаётган бўлса, заҳматлар роҳатга айланиш палласини топибди.

Дилдора РАҲМОНОВА,  
«Ishonch» мухбири

Суратда: директор жамғармасидан 25 фоизлик устама олаётган олий тоифали ўқитувчи Эътиборхон Қирғизова биринчи синф ўқувчилари билан.

Абдуносир ҚУЧҚОРОВ  
олган суратлар



Оммавийликдан маҳорат сари

## Арқон тортилди

Касабаси уюшма ташкилотлари меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга, уларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этишда ҳам фаоллик кўрсатиб келмоқда.

Бухоро политехника касб-хунар коллежиде бу борада салмоқли ишлар амалга оширилди. Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармасининг кўмаги билан 8 млн. 400 минг сўмлик спорт анжомлари харид қилинди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали томонидан коллежнинг кам таъминланган, иқтидорли 10 нафар ўқувчисига бепул спорт кийимлари олиб берилди.

Ўқувчилар ўқ отиш, тош кўтариш, турникка тортилиш, арқон тортиш, баскетбол, армрестлинг бўйича шаҳар таълим муассасалари ўртасидаги мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. Мусобақалар нафақат ўқувчилар ўртасида, балки ишчи-ходимлар ўртасида ҳам тез-тез ўтказилапти.

Лола ЖАЛИЛОВА,  
Бухоро политехника касб-хунар коллежи бошланғич касабаси уюшма қўмитаси раиси



# Юрт таракқиётига



Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши Раёсатининг 2012 йил 23 февралдаги «Туман кенгашлари, бошланғич ташкилотларнинг Устав бўйича фаолиятлари намунали тарзда олиб борилишини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асосида Хоразм вилоятида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Ушбу саволимизга вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташкилий ишлар бўлими бошлиғи Озод Отажонов қуйидагича жавоб қайтарди:

— Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати қарорининг амалда бажарилишини таъминлаш мақсадида бир қатор тадбирлар амалга оширилди.

Авваламбор, ушбу масала бирлашма кенгашининг раёсатида муҳкама қилинди. Тадбирлар белгиланди. Барча тармоқ касба уюшмалари вилоят, туман ташкилотларига, Боғот туманидаги бошланғич ташкилотларга касба уюшмаларининг йўналишлари бўйича услубий қўлланмалар, ҳуқуқий, меъёрий ҳужжатлар тўплами, ҳужжатлар билан ишлаш бўйича тавсиялар берилди.

Вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан Боғот туман ҳокимлиги билан ҳудуддаги корхона, ташкилот, муассасалар раҳбарлари, касба уюшма кўмиталари раислари иштирокида йиғилиш ўтказилди. Тумандаги барча тармоқ касба уюшмалари кенгашлари, туман ташкилотига эга бўлмаган бошланғич касба уюшма кўмиталарининг раислари билан семинар ташкил этилди. Шунингдек, Хонқа, Янгибозор туманлари базасида олиб борилаётган ишлар бўйича амалий семинар ўтказилди. Раёсат қарори билан ҳар бир туман ва тармоқ касба уюшмаларига масъул ходимлар бириктирилди.

Бошқа туманларда ҳам битта ишлаб чиқариш, битта ноишлаб чиқариш корхона-ташкилотлар касба уюшмалари фаолиятини намунали ташкил этиш бўйича ишлар бошлаб юборилди. Тасдиқланган тадбирларнинг бажарилиши бўйича ҳар ҳафтада бирлашма масъул ходимлари ва тармоқ касба уюшмалари вилоят ташкилотларининг ҳисоботларини эшитиш йўлга қўйилди.

## Хушхабарчилар

Боғот почта алоқа тармоғи бошланғич касба уюшма кўмитаси 68 нафар аъзони бирлаштирган.

Тармоқ биносига киришингиз билан кўзингиз касба уюшма бурчагига тушади. Бу ерда касба уюшма фаолияти, мақсад ва вазифалари, олиб борилаётган тадбирлар ҳақидаги хабарлар, жамоа шартномаси, меҳнат муҳофазаси йўриқномаси ва бошқа қатор ҳужжатлар, маълумотлар акс эттирилган.

Почта алоқа тармоғи бошланғич касба уюшма ташкилотига жамоадошлар меҳрини қозонган Сайёра Ибрагимова етакчилик қилади.

— Ишчи-хизматчилар манфаатини ҳимоя қилишда жамоа шартномасининг аҳамиятини ҳар бир аъзо ҳис қилади, — дейди етакчи. — Айтилик, айнан жамоа шартномаси орқали тўй қилаётган хо-

димларга энг кам иш ҳақининг 8 баробари, мусибатли кунларда энг кам иш ҳақининг 10 баробари миқдорда моддий ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилган.

— Ўғлимни уйлантирдим. Тўй сарф-харажатларини қоплашимда касба уюшмасининг кўмаги ниҳоятда катта бўлди. Энг кам иш ҳақининг 15 баробари миқдордаги кўмакни яхши ният билан сарфладим, — дея касба кўмитаси раисининг сўзларини тасдиқлайди соҳада узоқ йиллардан буён фаолият кўрсатётган Мурод Тожиёв.

Касба уюшмаси ҳомийлигида 22 нафар ишчи-хизматчи Самарқанд, Бухоро, Навоий шаҳарларига саёҳат қилиб қайтди.

Ижтимоий шериклик таъминлари асосида муносиб меҳнат шароити яратиш чоралари кўрилмоқда. Ўғузработ қишлоғидаги «Янги қурилиш», Маданият қишлоғидаги «Оқ олтин» алоқа бўлимлари тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Ишчи-хизматчилар махсус кийим-бош, велосипед, папкалар билан тўла таъминланган. Ходимлар ўртасида спорт мусобақаларини уюштириш аъзонага айланган.

— Элдошларимиз томонидан юртимизда ва дунёда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараён ҳақида ходимларимизга турли саволлар билан мурожаат қилиш ҳоллари кўп учрайди. Шунинг учун ҳар ҳафта «Маънавият соатлари»



ўтказишни аъзонага айлантирганмиз. Унда мамлакатимизнинг етакчи даврий нашрлари билан таништирилади, янгиликлардан бохабар қилинади, — дейди Сайёра Ибрагимова.

Почта алоқа тармоғида устоз-шогирд аъзолари ҳам йўлга қўйилганига гувоҳ бўлдик. Узоқ йиллардан буён соҳада меҳнат қилиб келаётган Сиддиқжон Содиков, Саодат Эшчонов, Шуборак Эгамова, Олим Эшмуродов

каби касб фидойилари Баҳром Рўзметов, Нодир Хўжаев сингари ёш мутахассислардан кўмак ва маслаҳатларини аямайди.

Вилоят алоқа ходимлари бирлашган касба уюшма кўмитаси раиси Зулфия Бобонова тез-тез бошланғич ташкилотга ташриф буюриб, фаолиятни янада яхшилаш юзасидан ўз тавсияларини бериб боради, юзага келган муаммоларни ҳал қилишга кўмаклашади.

Боғотлик деҳқонлар азалдан миришкорлиги билан донг таратган. Ўзбекистон Қаҳрамони Машариф Қувоқов издошлари туманда кўпчилиكنи ташкил қилади. Соҳа ходимларининг, деҳқону боғбонларнинг ўз ишига бўлган меҳри ва садоқати туфайли қишлоқ хўжалиги йилдан-йилга ривожланаётди. Боғотликлар мамлакатда биринчилардан бўлиб мева ва сабзавотларни қайта ишлашни йўлга қўйган.

Агросаноат мажмуи ходимлари Боғот туман кенгаши ўз атрофида ўн мингга яқин ана шундай меҳнатсевар инсонларни бирлаштирган.

— Аъзоларни ҳар жиҳатдан ҳимоялашга қаратилган жамоа шартномалари орқали кўплаб тадбирларни амалга ошириб келяпмиз, — дейди туман кенгаши раиси Улуғбек Хусанов.

Шу ўринда ёш ва серғайрат йигитнинг касба уюшмаларида фаолият бошлаганига кўп бўлмаганини таъкидлаш жоиз. Яхшилик қилишга бўлган иштиёқ, масъулиятни чуқур ҳис қилиши, аъзолар ишончини оқлаш истаги уни соҳани тез ўрганишга ундади. Хушмуомала ва билимдонлиги туфайли қисқа муддатда касба уюшма одамига, аъзолар-

## Эътибор сусайтирилмайди

нинг ҳақиқий дўстига айланиб улгурди.

— Федерация талабидан келиб чиққан ҳолда, бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратяпмиз, — дейди туман кенгаши раиси.

— Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳали ҳам давом этаётган яширин ишсизликка барҳам беришда бунинг аҳамияти ниҳоятда катта. Бошланғич ташкилотлар фаолияти устав талаблари асосида йўлга қўйилган корхоналарда, фермер хўжалиқларида аъзолар ижтимоий ҳимоя билан тўла қамраб олинган. Улар учун муносиб меҳнат ва дам олиш шароити яратиш чоралари кучайтирилмоқда. Меҳнат дафтарақчаларининг юритилиши, иш ҳақининг вақтида тўланиши касба уюшмаси томонидан назорат қилиб келинмоқда.

Кенгаш тасарруфидаги бошланғич ташкилотлар сони 27 тани ташкил қилади. Ижтимоий шериклик тамойиллари асосида корхона ва хўжалиқларда жорий йилнинг биринчи чорагида меҳнат муҳофазаси тадбирларига 84 млн. сўмдан зиёд маблағ сарфланган. Ушбу маблағ асосан

ишчи-хизматчиларга махсус кийим ва пойабзал, шахсий ҳимоя воситалари, сут, даволаш-профилактика озиқ-овқатлари, гигиена воситалари олиб бериш учун сарфланди.

Боғот пахта тозалаш очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти кенгаш тизимидаги йирик ташкилотлар сирасига кирди. Кенгашнинг яқинда ўтказилган раёсат йиғилишида ҳиссадорлик жамиятида маданий-оммавий, меҳнаткашларни соғломлаштириш бўйича маъмурият ва касба уюшма кўмитаси ҳамкорликда олиб бораётган ишлар таҳлил қилинди.

Жамиятда 415 нафар ишчи-хизматчи фаолият кўрсатади. Уларнинг 78 нафари хотин-қизлардир. Маъмурият ва касба уюшма кўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасида Мустаҳкам оила йили муносабати билан ишловчиларни, айниқса, аёллар ва ёшларни, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашга, меҳнатни муҳофаза қилиш, улар ўртасида спорт-соғломлаштириш ишларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

Касба уюшма аъзоларининг спорт билан шуғулланиши учун кор-

хонада етарли шароит яратилган. Спорт зали барча инвентарлар билан таъминланган. Корхона ходимларининг 100 га яқини спорт билан мунтазам шуғулланади. Яқинда ўтказилган спартакиадада барча фаол иштирок этди.

Корхонада ишловчи ёш оила соҳибларидан 6 нафарига уй-жой қурилиши учун 140 миллион сўмга яқин фойсиз ссуда ажратилиши ҳамхўрликнинг яна бир ифодасидир.

Кенгаш томонидан барча бошланғич ташкилотлар фаолиятини намунали йўлга қўйиш юзасидан муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

— Касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, АСМ ходимлари касба уюшмаси вилоят кенгаши томонидан кўрсатилаётган амалий ёрдамлар туфайли бошланғич ташкилотларимизда меъёрий ҳужжатларнинг талаб даражасида юритилишига эришилмоқда. Барча корхона ва хўжалиқларда бошланғич касба уюшма ташкилоти бурчаклари ташкил қилинди, — дейди туман кенгаши раиси.

# барчамиз масъулмиз

— Боғот туманига алоҳида эътибор қаратилиши фаолликни икки-уч ҳисса оширишга ундамоқда, — дейди таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши раиси Ширин Юсупова.

Аъзоларнинг аксариятини зиёлилар ташкил этиши маънавий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш тадбирларига алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади. Бу йил таълим муассасаларида Президентимизнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч», «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» асарлари асосида учрашув ва давра суҳбатлари ташкил қилинди.

бот идоралари ходимлари билан ҳамкорликда уюштирилган тадбирлар самараси катта бўлмоқда.

— Ходимларнинг бўш вақтини мароқли ва сермазмун ўтказиш мақсадида спорт жамоалари тузиш ва турли мусобақалар ташкил этишга эътибор кучайтирилди, — дейди Ш. Юсупова. — Айниқса, аёллар спортга муносабат яхшиланди. Барча таълим муассасаларида

ни боис ҳеч қандай бахтсиз ҳодиса рўй бермади. Меҳнат муҳофазаси бўйича фаоллар иштирокида ўқув-семинарлари ташкил қилиш аъёнага айланган. Таълим муассасаларидаги таълим устаноналари, кимё, физика, биология лаборатория хоналарида барча хавфсизлик қоидалари ишлаб чиқилган. Ҳар икки йилда бир марта «Меҳнат муҳофазасининг жамоатчилик назоратини энг яхши ташкил қилиш» кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида меҳнат муҳофазаси тадбирларига 1 миллион 250 минг сўм маблағ сарфланди.

Кенгаш томонидан бошланғич ташкилот фаолиятини тубдан яхшилаш ма-

«Хоразмэлектртармоқлари» ОХЖ Боғот туман бўлимига ташриф буюрганимизда ишчи-хизматчилар ҳозиргина якунига етган «Одам савдосига қарши курашайлик» мавзусидаги давра суҳбати таассуротларини ўртоқлашайтган экан.

## Нурафшонлик

— «Маънавият соатлари» ўтказишга алоҳида эътибор қаратяпмиз, — дейди бўлим бошланғич касаба уюшма кўмитаси етакчиси Баҳодир Абдуллаев. — Юқори касаба уюшма ташкилотлари тавсиялари асосида турли мавзулар танлаб олиниб, муҳокама қилинмоқда. Айниқса, Юртбошимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоби мазмун-моҳиятини ўрганишга бағишланган давра суҳбати аъзоларимизда катта таассурот қолдирди.



Б. Абдуллаев бўлимда диспетчер лавозимида меҳнат қилади. Уни бошланғич ташкилотга етакчи қилиб сайлашга, ҳамкасблари ишончини қозониш учун астойдил киришди.

Корхонада меҳнат муҳофазаси талабига қатъий риоя этилади. Жамоада меҳнат қилувчи 73 нафар ишчи-хизматчи белгиланган муддатда ва тартибда йуриқномадан ўтказилади.

Касаба уюшма аъзоларининг бўш вақтини мароқли ташкил қилиш юзасидан ҳам муайян тадбирлар амалга оширилмоқда. Касабақўмининг таъкидлашича, ишчи-хизматчиларнинг аксарияти миллий ўйинларни яхши кўради.

Жамоада узоқ йиллар самарали меҳнат қилган инсонлар муносиб рағбатлантирилмоқда. Мана, яқинда Каримбой Рўзметов ўзининг 50 ёшини қарши олди. Жамоа шартномаси асосида унга бир ойлик иш ҳақи миқдоридан мукофот пули ажратилди.

Юсуф Қаландаров бўлимда иш бошлаганига 35 йилдан ошди. Ҳамкасбларининг таърифлашича, жамоанинг ўти билан кириб, суви билан чиқади. Даргоҳ унинг учун иккинчи уйда бўлиб қолган. Баҳор ойида «Чортоқ» санаторийсида дам олиб қайтган Ю.Қаландаров ўзини яшарандек ҳис қилаётганини айтди.

Жамоа ахиллиги қўллаб муваффақиятга сабаб бўлмоқда. Истеъмолчиларга электр энергиясини узлуксиз етказиб беришга ҳаракат қилаётган корхона ишчи-хизматчилари турли танловларда ҳам иштирок этмоқда. Бу йил жамоа фавқулдда ҳолатлар бўйича туманда ўтказилган кўрик-танловда биринчи ўринни қўлга киритди.

## Ҳар бир кун самарали

Аъзоларимизнинг маънавий дунёқарабини янада юксалтиришда кутубхоналарнинг хизмати беқийс, — дейди кенгаш раиси. — Шу боис таълим муассасалари кутубхоналари ўртасида «Кутубхона — маънавият ўчоғи» мавзусида кўрик-танлов ўтказилди. Кенгаш томонидан кутубхоналарни бадиий адабиётлар билан тўлдиришга ҳам кўмаклашилмоқда. Жорий йилнинг ўзида 250 минг сўмлик бадиий адабиётлар олиб берилди.

Соҳа тараққиётига, жамият раванқига муносиб улуш қўшган марҳум устозлар хотирасини ёд этиш — юксак маънавият нишонаси. Нурмат Нуруллаев, Бобожон Бобаддинов, Машариф Иброҳимов, Илҳом Отахонов, Машариф Раҳмонов, Саъдулла Рўзметов каби устозлар меҳнати унутилмасдир. Улар тез-тез ёдга олиниб, хотира турнири ва давра суҳбатлари ташкил қилинмоқда. Марҳумларнинг оила аъзолари ҳам ушбу тадбирларда фаол иштирок этаётир.


Муқаддас қадамжоларга, тарихий гўшаларга уюштирилган саёҳатлар инсонни ўзликни англашга ундайди. Қадимий Хива саёҳатида, Султон Увайс бобо зиёратига бўлган соҳа ходимлари ана шундай руҳий хотиржамликни ҳис этгани шубҳасиз.

Таълим муассасаларида ёшлар иштирокида «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаймиз», «Ҳуқуқбузарликнинг олдини оламиз», «Гийҳандлик — аср вабоси», «Мустақил юрт фарзандларимиз» мавзуларида ҳуқуқ-тарти-

аёллардан иборат жамоалар бор. Баҳорнинг илк кунларида уюштирилган мусобақада 90 нафар хотин-қиз спортнинг 5 тури бўйича ўзаро беллашди. Иштирокчиларнинг барчасига спорт формалари тақдим қилинди. Қолаверса, раҳбар ходимлар ўртасида спартакиада, оилавий мусобақалар уюштириш ҳам аъёнага айланган.

Касаба уюшма аъзоларининг меҳнат муҳофазаси қандай йўлга қўйилган? Ушбу саволимизга жавобан кенгаш раиси жамоа шартномаларида меҳнат муҳофазаси бўйича тадбирлар режаси белгиланиб, иш берувчи томонидан кўзда тутилган маблағ тўлиқ сарфланиб келинаётганини таъкидлади. Таълим ва маданият муассасаларининг барчасида хавфсизлик техникаси қоидаларига тўла амал қилинган.

саласига алоҳида масъулият билан ёндашилмоқда. Авваламбор, бошланғичлар етакчиларининг билим ва маҳоратини оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Уларнинг барчаси вилоят кенгаши томонидан ташкил қилинган ўқув-семинарларда қатнашиб, билимини мустаҳкамлаш, тажриба алмашиш баробарида УрДУ қошидаги санаторий-профилакторийда саломатлигини тиклашга муваффақ бўлди. Бошланғичлар зарур канцелярия моллари билан тўлиқ таъминланди, касаба уюшма бурчаклари ташкил қилинди. Юқори бўғинда қабул қилинган қарорлар, меъёрий ҳужжатларнинг барча қўйи бўғинларга етиб боришини таъминлаш борасидаги саяё-ҳаракатлар давом этмоқда.



## Мустаҳкам соғлиқ тилаб

Боғот туман тиббиёт бирлашмаси ва унга қарашли даволаш-профилактика муассасаларида 2008 нафар касаба уюшма аъзоси бўлиб, шундан 1933 нафарини аёллар ташкил қилади.

— Касаба уюшмамиз 24 та ташкилот, 19 та гуруҳдан иборат, — дейди кўмита раиси К. Эгамбердиев. — Йил бошида комиссия аъзоларимиз ва юқори ташкилотлар тавсиясига амал қилган ҳолда иш режамизни ишлаб чиқдик.

Режада ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш масаласи алоҳида ўрин эгаллайди. Ногирон, кам даромадли оилалар, яқка-ёлғизлар, боқувчисини йўқотган аёллар касаба уюшмасининг доимий ҳимоясига олинган. Жорий йилнинг биринчи чорагида боқувчисини йўқотган 6 нафар аёлга, кам даромадли аёллардан 5 нафарига, даволанишга муҳтож бўлган 4 нафар ишчи-хизматчига моддий ёрдам кўрсатилди.

Байрам тадбирларини кўтаринки руҳда ўтказиш, шу муносабат билан аъзоларни рағбатлантириш чоралари кўрилмоқда. Янги йилда 200 нафар ишчи-хизматчининг фарзандларига 600 минг сўмлик Қорбобо совғалари тўхфа қилинди. Ватан ҳимоячилари

қунида эса афғон уруши қатнашчилари Жабборберди Жабборов, Фарҳод Худойшуқуров қўллаб-қувватланди. Хотин-қизлар қунида фахрий аёллардан 8 нафарига совғалар тақдим этилди. Касаба уюшма фаолларини моддий-маънавий рағбатлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Утган йили фаоллардан 22 нафари 1 миллион 609 минг сўм миқдоридан рағбатлантирилган бўлса, жорий йилда улардан 5 нафарини тақдирлашга 310 минг сўм сарфланди.

— Аъзоларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун имкониятни янада кенгайтириш чораларини кўряпмиз, — дейди касаба уюшма кўмитаси раиси. — Шу мақсадда стол тенниси, велотренажёр, шахмат-шашка харид қилиниб, махсус залда ходимларнинг шуғулланиши учун шароит яратилди.

Барча шифо масканларида касаба уюшма фаолияти билан яқиндан таништирувчи бурчаклар ташкил қилинди.

— Юқори ташкилотлардан келган қарор ва кўрсатмаларга қатъий амал қилинапти, — дейди касабақўм. — Жумладан, соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раёсатининг ўтган йили декабрдаги нодавлат сектор тизимидаги ташкилот ва муассасаларда касаба уюшмасининг янги ташкилотларини тузиш, ходимларни аъзоликка жалб қилишга доир қарори ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган тадбирлар асосида иккита нодавлат ташкилоти — «Улуғбек» хусусий тиш даволаш корхонаси ва «Шифо» хусусий дориҳонасида касаба уюшма кўмитаси фаолияти йўлга қўйилди.

— Шифокорларимизнинг туман аҳлига малакали тиббий хизмат кўрсатишида, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда касаба уюшмасининг кўмаги катта, — дейди туман тиббиёт бирлашмаси раҳбари Акмал Искандаров. — Ижтимоий шериклик тамойиллари асосида ишчи-хизматчилар меҳнатини муҳофаза қилиш, муносиб иш ва дам олиш шароити яратиш, ижтимоий, ҳуқуқий ҳимоялаш борасида амалга ошираётган чора-тадбирларимиз яхши самара бермоқда.


Касаба уюшма етакчилари зиммасидаги вазифага масъулият билан ёндашиб, ҳар томонлама фаолликка интилаётганига гувоҳ бўлдик. Таълим, фан ва маданият, агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмалари туман кенгашлари, туман соғлиқни сақлаш бирлашмаси касаба уюшма кўмитаси раислари ўз вазифаларини бажариш баробарида маҳаллалар ободлигини таъминлашга, аҳолининг томорқалардан унумли фойдаланишига, бир сўз билан айтганда, юртимизнинг янада тараққий этишига баҳоли қудрат улуш қўшиб келмоқда.

Албатта, ҳали туман касаба уюшмалари олдида талай вазифалар турибди. Ҳар бир касаба уюшма аъзоси аъзолик афзалликларини ҳис қилмас экан, тин олишга, хотиржам бўлишга ҳаққимиз йўқ.

Кўшсаҳифани «Ishonch» муҳбири Мухаббат ТўРАБОЕВА тайёрлади.

# «Довтепа» бозори, қайдасан?

ёхуд Фориш туманидаги 75-умумтаълим мактаби ўқитувчиларининг  
● дарсни қолдириб, бозорда изғиб юриши хусусида ●



**Тахририятимизга Фориш тумани Илонли қишлоғида яшовчи Болтабой Тўғулов шикоят хати йўллаб, 75-умумтаълим мактабида ўқувчи-ёшларга таълим-тарбия беришда оқсоқликка йўл қўйилаётгани, ўқитувчилар ўз касбига лоқайдлик билан ёндашаётгани, бунинг оқибатида олис қишлоқ болалари етарли билимга эга бўлолмаётгани ҳақида ёзади.**

Хат сафарга чорлади. Қир-адирлар бағридаги қишлоқ мактаби ташқи кўринишидан ҳавас қилгулик даражада шинам ва бежирим. Биз ташриф буюрган 21 май куни мактабда дарслар белгиланган 8:00 да эмас, 13 дақиқага кеч бошланди. Мактаб директори Шакарбой Холбоевни уйдан чақиртириб келдик. 17 нафар ўқитувчи меҳнат қиладиган жамоада 5-6 нафар муаллимни учратдик.

Мактаб раҳбари шу куни

беш нафар ўқитувчи туман марказидаги 1-мактабга тоифа аттестациясига юборилгани, бир ўқитувчи маляка оширишга кетганлигини айтди. Туман марказига беш нафар ўқитувчининг ҳеч бир буйруқсиз, оғзаки топшириққа кўра юборилгани бизни ажаблантирди. Сўровимиздан сўнг директор 19 май санаси билан (орадан уч кун ўтиб, яъни бизнинг талабимиздан кейин!) чиқарган буйруғини тақдим қилди. Буйруқ билан ходимлар таништирилмаган, унда сафар харажатлари тўланиши ҳақида банд йўқ эди.

Шу куни тарих фани ўқитувчиси Рўзибой Ҳришев билан компьютер бўйича мутахассис Элёр Эшмонов директорнинг оғзаки руҳсати билан қўшни Самарқанд вилоятининг «Довтепа» бозорига кетишибди.

— Биринчи синфга «Ўқиш» дарсидан бошқа ҳамкасбим ўрнига киришим ҳақида бугун огоҳлантирилдим, — дейди бошланғич синф ўқитувчиси Фазилят Қаршиева. — Шунинг учун дарсга ҳеч қандай тайёргарликсиз кирдим.

Дарҳақиқат, 1-синфдаги 45 дақиқалик «Ўқиш» дарси шу куни кунлик иш режасисиз, кўргазмали қурооларсиз, бир сўз билан айтганда, хўжақўрсинга ўтди.

Мактаб илмий бўлим мудирини Анвар Эшмонов ҳам шу куни 15 нафар 6-синф ўқувчисига математика фанидан сабоқ берди.

Афсуски, мактабдаги барча ўқитувчиларнинг кунлик иш режасини назорат қилиб, тасдиқлаб берадиган бу масъул шахсининг ўзида кунлик иш режаси йўқ эди. Унинг педюкламаси май ойига тузилмаган, борлари эса мактаб директори томонидан тасдиқланмаган. Дарс таҳлили белгиланган муддатларда бажарилмаган. 2011 йил 18, 22 сентябр кунлари адабиёт фани



ўқитувчиси Р.Абдуллаев, физика фани ўқитувчилари Ж.Турдибоев, Ҳ.Холмирзаевнинг дарслари кузатилган бўлса-да, таҳлил натижаси билан ўқитувчилар таништирилмаган.

— Кунлик иш режам шу йил 17 мартгача мавжуд, — дейди бошланғич синф ўқитувчиси Салим Ашуров. — Қолганини уйда қолдирибман.

Муаллимнинг 4-синфдаги 10 нафар болага шу аҳволда қандай сабоқ бергани кундай равшан. Май ойига педюклама тайёрлашга улгурмабди. Ойига саккиз соатлик дарсни таҳлил қилиш зиммасида бўлгани ҳолда март ойидан буён бирор соат ҳам дарс таҳлил қилмаган.

Еттинчи синфдаги 16 ўқувчини она тилидан 45 дақиқа давомида оғзига қаратиб чиққан ўқитувчи К.Келдиёров ҳам осонгина қилиб, «кунлик иш режамни уйимда қолдирибман», деса

бўладими. Дарсда кўргазмали қуроолардан фойдаланишига электр токи йўқлиги тўсқинлик қилганини билдирди. Педюклама тузмаган бу муаллим «Дарс таҳлили дафтари»ни ҳам уйда қолдирганмиш.

«Довтепа» бозоридан ҳозиргина қайтган ўқитувчи Рўзибой Ҳришев «комиссия» келганидан хабар топган, шекилли, шошапиша 9-синфдаги 11 нафар ўқувчига тарих фанидан сабоқ беришга киришибди. Муаллим кунлик иш режаси тузиш, уни илмий бўлим мудирини тасдиқлаганидан сўнг дарсга кириш мумкинлиги ҳақида тасаввурга ҳам эга эмас! Дарс таҳлили белгиланган муддатда қилинмаган. Педюклама тузиш ҳам ўлда-жўлда.

Мактабда 128 нафар болага ўтган ўқув йилида рус тили, чет тилидан мутахассис бўлмагани учун бирор соат ҳам дарс ўтилмади. Бунга туман, вилоят мутасаддилари ҳам бепарволарча муносабатда бўлиб, панжа орасидан қараб келишди.

Мактаб директори Ш.Холбоев турли баҳоналарни рўқач қилиб, камчиликларни ҳарчанд хаспўшламасин, нуқсонлар сувга тушган пўқакдек юзада қалқиб турарди.

Синф журналларидаги «камчиликлар» устунини директор томонидан вақтида тўлғазиб борилмайди. Ходимларнинг шахсий ҳужжат жилдлари юритилишида камчилик ва нуқсонлар кўп. Масалан, «Т-2» шакли умуман тўлдирилмаган. Бошланғич синф ўқитувчиси З.Қўйланова 2011

йил 2 сентябрдан иш бошланган бўлса-да, унга шахсий иш жилди юритилмаган. 2011 йил сентябрдан бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлаб келаётган Ф.Қаршиева билан эса ҳозиргача меҳнат шартномаси тузилмаган. «Буйруқлар дафтари»га ўзбошимчалик билан қўшимча варақлар киритилган. Ходимлар ўзига дахлдор буйруқ билан таништириб борилмайди ва уларга буйруқ нусхаси тилхат орқали берилмайди.

Дарс жадвали икки нусхада тузилган бўлиб, залдаги (ўқувчилар фойдаланадигани) билан илмий бўлим мудирини столи устидаги бир-бирдан кескин фарқланади. Масалан, 2-синф ўқувчилари ҳафтанинг душанба куни дарс жадвалида кўрсатилган «иктисодиёт алифбоси» ўрнига «ўқиш» дарсини тинглашга мажбур бўлишди. (Дарс жадвалидаги бундай жиддий тафовут яна кўплаб такрорланади. - А.А.)

Бундай ҳол ўз навбатида ўқувчиларнинг дарсга тайёргарлик қилиб уни ўзлаштиришида жиддий чалқаликларни юзага келтирмоқда.

Мактаб — муқаддас даргоҳ. Унда келажакимизнинг мустақам пойдевори яратилади. Шундай экан, Фориш туманидаги 75-умумтаълим мактабида бугун юзага келган бу каби аянкли аҳволга муносиб баҳо беришни Жиззах вилоят халқ таълими бошқармаси эътиборига ҳавола этамиз.

**Абдуманноп АЗИМОВ,**  
«Ishonch» мухбири

**Маълумки, аҳолидан электр энергияси, газ ва бошқа коммунал хизматлар бўйича тўловларни йиғиш вазифаси хизмат кўрсатувчи корхоналар назоратчилари зиммасида. Ушбу ташкилотлар аҳолига қулайлик яратиш ҳамда тўловларнинг вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида почта алоқа тармоқлари, шунингдек, банклар билан ҳам шартнома тузишган. Аҳоли исталган вақтда жойлардаги почта алоқа тармоқлари ва банк шохобчаларида электр энергияси, газ ҳақи тўловларини амалга ошириши мумкин. Бу эса истеъмолчига ҳам, таъминотчига ҳам ҳар томонлама қулай. Бироқ баъзи ҳудудий почта алоқа тармоқлари фаолиятида ажратиладиган фойз даромадларига қаноат қилмай, аҳолидан электр энергияси учун йиғиладиган маблағнинг ҳаммасини ўзлаштириш, бошқача айтганда, омонатга хиёнат қилиш кузатилади.**

## Шўрчилик почтачилар

**Коммунал тўловларни ўзлаштириб, уятга қолишдан**

Хусусан, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг Сурхондарё вилоят филиали таркибидаги Шўрчи туман почта алоқа тармоғи 2009 йилдан бери аҳолидан электр энергияси тўлови учун қабул қилинган пуллари туман электр таъминоти корхонаси ҳисоб рақамига ўтказмай келган. «Сурхондарё электр тармоқлари» ОАЖ вилоят хўжалик судига даъво киритиб, жавобгарлар — Шўрчи туман почта алоқа тармоғи ва «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ вилоят филиалидан шартнома шартларига асосан ўз вақтида ўтказиб берилмаган 260 млн. 488,7 минг сўм асосий қарз, 52 млн. 97,7 минг сўм устама, жами 312 млн. 586,4 минг сўмни ундириб беришни сўраган. Суд мажлисида жавобгар вакили тарафлар ўртасида 2008 йил 2 июнда тузилган 489-сонли шартнома бир тарафлама бекор қилинган, таққослаш далолатномаси тузилмаганлиги сабабли даввони тўлик рад этишни сўради. Қисқаси, бир томон қонуний ҳақини сўради, иккинчи томон халқдан пулни йиғиб олган бўлса-да, «янгиланган йўқ...» деб маблағни бермаслик пайида.

Аслида ишдаги ҳужжатларга кўра масала шундай бўлган: 2008 йилнинг 2 июнида

«Аҳоли истеъмолчиларидан фойдаланган электр энергияси ҳақини йиғиш юзасидан хизмат кўрсатиш тўғрисида» «Сурхондарё электр тармоқлари» ОАЖ билан «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ вилоят филиали ўртасида 489-сонли шартнома тузилган. Шартноманинг 7.1-бандига асосан шартнома тузилган кундан 2008 йил 31 декабргача амал қилиши, шартнома муддати тугагач, тарафлардан бири уни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақида иккинчи томонга мурожаат қилмаса, у кейинги йилга узайтирилган деб ҳисобланиши белгиланган.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ вилоят филиали 2008 йил 21 августда 37-33-07-291 34/862-сонли хат билан «Сурхондарё электр тармоқлари» ОАЖга мурожаат қилиб, тарафлар ўртасида 2008 йил 2 июнда тузилган 489-сонли шартнома 2008 йил 1 сентябрдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисобланишини сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 384-моддасига кўра шартнома қандай шаклда тузилган бўлса, уни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги қилишув ҳам

шундай шаклда ўзгаради. Бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифига иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан сўнг ёки таклифда кўрсатилган ёхуд қонунда ёинки шартномада белгиланган муддатда, бундай муддат бўлмаган тақдирда эса ўттиз кун ичида жавоб олганидан кейин шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ вилоят филиали эса иккинчи тарафдан ўз таклифига жавоб олмаган ёки шартномани бекор қилиш ҳақидаги талабни судга тақдим этмаган. Шу сабабли суд жавобгарнинг 2008 йил 2 июнда тузилган 489-сонли шартнома бир тарафлама бекор қилинганлиги тўғрисидаги вазларини ҳисобга олмайди. Бундан ташқари, «Сурхондарё электр тармоқлари» ОАЖ ва «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ вилоят филиали ўртасида 2010 йил 13 июлда «Аҳоли истеъмолчиларидан фойдаланган электр энергияси ҳақини йиғиш юзасидан хизмат кўрсатиш тўғрисида» 635-сонли шартнома ҳам тузилган.

Юқорида қайд этилган шартномаларнинг 1.1-бандига кўра «Буюртмачи» таклифига

мувофиқ «Бажарувчи» ўзининг вилоят миқёсидаги барча туман почта-алоқа тармоқлари орқали туман (шаҳар)лардаги истеъмолчилардан электр энергиясидан фойдаланганлиги учун тўланадиган пул маблағларини йиғиштириб олиш ва иловага асосан жойлардаги туман (шаҳар) электр таъминоти корхоналари ҳисоб рақамларига ўтказиб бериши белгиланган. «Сурхондарё электр тармоқлари» ОАЖнинг ички аудиторлик хизмати томонидан Шўрчи туман электр таъминоти корхонасида аудиторлик текшируви ўтказилганда тақдим этилган ҳужжатлар бўйича 2007 йил 1 январдан 2011 йил 1 июнга қадар туман почта алоқа тармоғи ва электр таъминоти корхонаси ўртасида тузилган шартнома бўйича реестрлар ва ўтказиб берилган пул маблағлари суммалари текширилган. Натижа бўйича 2011 йил 25 августда тузилган далолатномага кўра туман почта алоқа тармоғи томонидан топширилиш реестрларга нисбатан аҳолидан электр энергияси ҳақи учун ойма-ой йиғилган 313 млн. 651,3 минг сўм туман электр таъминоти корхонаси ҳисоб рақамига ўтказиб берилмаган. Шунингдек, 2008 йил 2 июнда тузилган 489-сонли шартноманинг 3.1.4-бандига зид равишда бажарувчи бир ой давомида режадаги йиғимларни ундирган тақдирда, тўпланган пул маблағларига нисбатан 8 фойз ўрнига 10 фойз миқдорда хизмат ҳақи олиб, жами 7 млн. 409,9 минг сўм ортиқча маблағ чегириб қолган.

Ушбу маълумотлар ўз тасдиғини топди. Суд жавобгар ҳисобидан даъвогар фойдасига 260 млн. 488,7 минг сўм асосий қарз, 37 млн. 770,8 минг сўм устама, 5000 сўм почта харажати, жами 298 млн. 264,5 минг сўм ундиришга қарор қилди. Шунингдек, жавобгардан Республика бюджетига ҳамда судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасига 3 млн. 125,8 минг сўм давлат божи ундириладиган бўлди.

**И. ҲАКИМОВ,**  
Сурхондарё вилоят хўжалик суди судьяси



## Нигоҳларда балққан шодлик

**Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши тасарруфидаги «Гулбахор» болалар соғломлаштириш оромгоҳида мавсумнинг биринчи навбатида қорақалпоғистонлик 200 нафар бола мароқли дам олди. «Тошкент» темир йўл вокзалида уларни кўтаринки кайфиятда оиласи бағрига қайтаётганига гувоҳ бўлдик.**

Ташкилотчиларнинг мақсади ҳам шу эди. Ҳақиқатан, мавсумга пухта тайёргарлик кўрилди. Жумладан, оромгоҳда болалар учун турли маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари ташкил этилди. Айниқса, улар иштирокида спартакиада ўтказилгани, «Камолот» ЁИХ Учтепа туман бўлими ходимлари ғолибларга совғалар тақдим этгани эсда қоларли бўлди. Шунингдек, маскан кутубхонасида Мустаҳкам оила йилига бағишланган маърифий кеча ўтказилди. Футбол, шахмат-шашка бўйича беллашувлар ташкил этилиб, ғолиблар тақдирланди. Дарвоқе, таваллуд кунини муносабати билан 10 нафар болага совғалар улашилди.

— Расм чизиш, мусиқа, спорт тўғаракларида фаол иштирок этдим. Қисқа муддатда кўп нарсаларни ўрганиб олдим, — дейди Хўжайли туманидан Алпомиш Сейтмуродов. — Болаларнинг гуруҳларга бўлиниб, ўзбекча, қорақалпоқча ва бошқа миллат рақсларини ижро этгани менга жуда ёқди.

— Пойтахтимиздаги Мустақиллик майдони, Алишер Навоий номидаги Миллий боғ ҳамда Хайвонот боғига қилган саёҳатимиз менда катта таассурот қолдирди, — дейди нуқуслик Шукр Беймуродов. — Айтганча, билимдонлар, китобсеварлар ўртасида ташкил этилган тадбирлар ҳеч эсимдан чиқмаса керак.

Дарвоқе, бирлашма кенгашининг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими томонидан шоир Шукр Курбон билан уюштирилган суҳбат мушоирага бой ўтди. Шунингдек, «Пахтакор» профессионал футбол клуби таркибида тарбияланаётган ёш футболчилар иштирокидаги учрашувда тўпни бошқариш бўйича кўргазмалар чиқишлар намойиш этилди. Мустаҳкам оила йилига бағишлаб «Ранглар жилоси» кўрик-танлови ҳам ўтказилиб, унда болалар ўз ижодий асарларини намойиш этишди ва ғолиблар ташкилотчилар томонидан тақдирланди.


«Гулбахор» оромгоҳида мавсумнинг кейинги навбатларида ҳам эл суйган адибу санъаткорлар билан учрашувлар ташкил этиш кўзда тутилган.

**Акмал ТОШЕВ,**  
«Ishonch» мухбири.  
Козим ЎЛМАСОВ олган сурат

# Болалар кулгуси

**19 июн куни пойтахт вокзалида Қорақалпоғистоннинг турли худудларидан жам бўлган 170 нафар бола Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши масъул ходимлари, ОАВ вакиллари томонидан кутиб олинди.**

Навбати билан вагонлардан тушиб келаётган болаларнинг юзидаги ҳорғинликни, чарчоқни бир қарашда пайқаш мумкин эди. Уларни вокзалнинг ҳашаматли қиёфаси ҳам, ён-атрофда бўлаётган воқеалар ҳам асло қизиқтирмас, ҳатто етакчиларнинг «икки қатор туриглар» каби буйруқлари ҳам зўрма-зўраки бажариларди. Албатта, уларни тушунса бўлади. Минг километрдан ортиқ масофани ёзнинг жазирама иссиғида босиб келган болалар шу пайтда фақат бир нарсани исташарди. Тезроқ оромгоҳга бориб олишса-ю, мириқиб ҳордиқ чиқаришса, салқин хоналарда тўйиб ухлашса, маза қилиб чўмилишса... Шунинг учун жамоатчилик уларни кўп ҳам куттиришмади. Гуруҳларга бўлинган болалар ўзлари учун ажратилган ав-



тобусларга бирин-кетин чиқа бошлашди. Фурсатдан фойдаланиб уларнинг таасуротлари билан қизиқдик.

— Бу оромгоҳга биринчи бор келишим, — дейди нуқуслик Оллоёр Толиббоев. — Соясалқин жойларда маза қилиб

дам олишни, янги дўстлар ортиришни истайман.

Ниҳоят болаларни ўз бағрига олган автобуслар «Гулбахор» томон йўл олди.

**Ўз мухбиримиз.**  
**Фозил МАМАШАРИПОВ**  
олган сурат



## Санъаткорлар «Хумо»да

Тошкент вилоятида ёзги мавсумда кичкинтойларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқариши учун ташкилотчилар томонидан барча чоралар кўрилган. Айниқса, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамда тармоқ касаба уюшмалари ташаббуси билан «Мустаҳкам оила йили» дастури доирасида вилоятдаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган оилалар фарзандларининг бепул дам олдирилаётгани эътиборга сазовор.

Айни дамда қайси оромгоҳга борманг, бо-

лажонларнинг шўх ўйинкулгуси-ю, мароқли дам олаётганига гувоҳ бўласиз. Кимдир тўғаракда, кимдир футбол майдонида, яна бири сузиш ҳавзасида, хуллас, ҳар бир бола нима биландир машғул. Улар дам олиш баробарида турли маданий-маърифий ва спорт тадбирларида фаол иштирок этишмоқда.

Жумладан, пурвиқор тоғ ён-бағирларига тутшиб кетган Бўстонлик туманидаги Хондайлик қишлоғида жойлашган «Хумо» оромгоҳида Мустаҳкам оила йили ва мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишланган тадбир уюштирилди.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ва «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ҳамкорликда ташкил этган санъат байрамида ёш эстрада хонандалари томонидан ижро этилган дилрабо куй ва кўшиқлар болажонларнинг қалбига илиқлиқ олиб кирди.

**Ўз мухбиримиз**

# Зиё чашмалари

**Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгашига қарашли болалар оромгоҳи жорий йилдан «Зиё чашмалари» дея янгича номланди. Асосан педагогларнинг ўғил-қизлари ҳордиқ чиқарадиган мазкур масканда тиббиёт ва изолятор хоналарини ўз ичига олган 60 ўринли ётоқхона фойдаланишга топширилди.**

Шундай қилиб, ўтган йили бир навбатда 250 нафар ўғил-қиз дам олган бўлса, жорий йилда 300 нафардан ошиқ болажонни қабул қилиш имкони юзага келди.

— Иш режамизда ёш авлоднинг соғлом ва маънан баркамол бўлиб ўсишига ҳисса қўшадиган қатор тадбирлар ўрин олган. — деди биз билан суҳбатда оромгоҳ бош етакчиси Аликул Жовлиев. — Масалан, яқинда «Ўзбекистон — Ватаниманим» шеърят кечасини

ўтказдик. «Оромгоҳ маликаси» кўрик-танловида эса зўро ва билимдон қизларимиз сараланди. Шунингдек, тармоқ касаба уюшмаси вилоят кенгаши соврини учун аънавий «Болалар спартакиадаси»ни уюштирдик. Мустаҳкам оила йилига бағишланган тадбиримизда ҳам ўғил-қизлар етакчилари ёрдамида тайёрлаган сахна кўринишларини намойиш этишди. Фуқаро муҳофазаси кунинда болажонларга мавзу ҳақида батафсил маълумот

бериб, «Ёш қутқарувчи» кўрик-танловини ўтказдик... Мухтасар айтганда, ҳар бир кунга алоҳида ном кўйилган бўлиб, шу йўналишда тадбирлар уюштирамиз.

Оромгоҳни айлана туриб, дам олувчиларнинг фикрлари билан қизиқдик.

— Оромгоҳда зерикашга вақт йўқ, — дейди чироқчилик ўқувчи Висола Холматова. — Турли тадбирлардан ташқари спорт, бичиш-тикиш, юмшоқ ўйинчоқлар тўғараклари ҳам борки, кунимиз қандай ўтга-



нини билмай қоламиз. Ўзим «Оромгоҳ маликаси» кўрик-танловида иккинчи ўринни эгалладим...

— Шахрисабз туманидаги 26-мактабнинг учинчи синфини тугатдим, — дея суҳбатга қўшилади Ўғилой Танақулова, — Оромгоҳда кўплай янги дўгонлар орттирдим. Тарбиячиларимиз ҳам меҳрибон.

Овқатлари мазали, ошпазлар турли сархил мевалардан шарбатлар тайёрлаб беришяпти. Спорт мураббийи Асқар ака Зокиров уюштираётган қизиқарли мусобақалар, «Кувноқ стартлар» ўйинларида қатнашиб, ёзни қувноқ кайфиятда ўтказяпмиз.

**Акмал АБДИЕВ,**  
«Ishonch» мухбири

# СОҒЛОМ АВЛОД

## СОҒЛОМ ЖАМИЯТ АСОСИ

**Ота-она ва болалар муносабатлари уйғунлиги, улар амалга оширадиган вазифаларнинг ўзаро мувофиқлиги ҳамда мувозанатига асосланган оила мустаҳкам оила ҳисобланади.**

Оилада сингдирилган тарбия ёш авлоднинг мурғак қалбида бир умрга муҳрланиб қолади. Тарбиянинг барча кўринишлари, жумладан, эстетик тарбия ҳам кенг қамровли бўлиб, тўғри тарбия топган инсон гўзаллик ва нафосатни хунуклик ва қўполликдан ажрата билади.

Президентимиз соғлом турмуш тарзи ақидалари ўзбек халқининг миллий қадриятларидан бири эканлигини таъкидлаб, шундай деган эди: «Ҳеч шубҳа йўқ: соғлом авлод орзуси аждодларимиздан бизга, қон-қонимизга сингиб кетган муқаддас интилишдир. Агар ота-боболаримизнинг турмуш тарзига, тафаккурига назар солсак улар насл-насаб, етти пуштининг тозаллигига, авлоднинг соғлигига жуда катта эътибор берганини кўраемиз».

Соғлом авлод соғлом жамият асосини ташкил этади. Соғлом турмуш тарзи замирида, биринчидан, инсоннинг жисмоний саломатлиги ва камолоти, иккинчидан, маънавий ва мафкуравий иммунитет унинг шахс сифатида тўла камол топишида муҳим ўрин тутади.

Республикамизда оилавий спортни ривожлантириш ва оммалаштириш, ҳар бир оилани спортга кенг жалб этиш, миллат генафондини мустаҳкамлаш долзарб вазифалардан биридир.

Жисмоний ҳаракат орқали инсон саломатлигини таъминлаш бизга буюк аллома Абу Али ибн Сино бобомиздан меросдир. Улуғ бобокалонимиз соғлиқни асрашни санъатга тенглаштиради. Алломанинг таъкидлашича, саломатликни сақлаш учун биринчи галда қуйидаги етти тадбирни амалга ошириш керак:

1) киши мижозини мўтадил ҳолга келтириш; 2) ейладиган ва ичиладиган нарсаларни тўғри танлаш; 3) одам гавдасининг тўғри тузилишини сақлаш; 4) танани чиқиндилардан тозалаб туриш; 5) нафас олинадиган ҳавонинг етарли ва тозаллигига эътибор қаратиш; 6) танага мос ва мавсумга боп кийим танлаш; 7) жисмоний ҳаракат ва руҳий ҳолат мўтадиллигини таъминлаш.

Ибн Сино бадантарбиянинг аҳамияти ҳақида сўзлаб, мўтадил ва вақтида бадантарбия билан шуғулланувчи киши касалликни даволашга муҳтож бўлмайди, дейди. Олим бадантарбия машқларини қуйидаги усулларга бўлган: кичик ва катта, кучли ва кучсиз, тез ва секин, сушт ва шиддатли. Бундан ташқари, бадантарбиянинг қуйидаги турларини кўрсатган: тез юриш, югуриш, сакраш, қиличбозлик, камондан ўқ узиш, отда юриш, қўл ва оёқ билан ҳар хил ҳаракатларни бажариш, чавгон ва копток ўйини, тош кўтариш, найза санчиш. Бунда унинг ёши, жинси, қуввати, имконияти ва соғлиқ даражаси ҳисобга олинади. Ибн Сино бадантарбия турлари қаторига уқалаш (массаж)ни ҳам киритган. Унинг кўрсатишича, уқалаш тўрт хил — мўтадил, кучли, кучсиз ва давомлига бўлинади: кучлиси гавдани бақувват қилади, кучсизи юмшатади, давомлиси оздиради, мўтадили танани яйратади.

Шундай экан, ҳар бир оила аъзоси ўзига мос ва қулай бўлган бадантарбия машқлари, юриш, югуриш, арқончадан сакраш каби жисмоний ҳаракатлар ва соғломлаштирувчи спорт турлари, яъни сузиш, бадий гимнастика, волейбол, шунингдек, рақс тўгаракларида мунтазам шуғулланиш саломатлик учун фойдали эканлигини билиши керак.

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган оилавий спорт мусобақалари оилалар саломатлигини таъминлаш, спортни оммалаштиришга ёрдам бериш билан бирга, иқтидорли спортчиларни танлаб олишга имконият яратмоқда. Спорт билан мунтазам шуғулланган оилаларнинг фарзандлари соғлом ва бақувват бўлиб вояга етмоқда.

Бугунги кунда полвонлар, футболчилар, теннисчилар, кўпқарчилар сулоалари мавжуд.

Саломатликни мустаҳкамлаш учун ҳар бир оилада қуйидагиларга эътибор бериш тавсия этилади:

- оиланинг ҳар бир аъзоси 5-7 дақиқа эрталабки бадантарбия билан шуғулланиши;
- эрталаб соғломлаштирувчи югуришни бажариши;
- меҳнат қилиш ва ўқиш жараёнида 3-5 дақиқа тетиклантирувчи машқларни бажариши;
- кечки овқатдан кейин эса оилавий сайр этиш, яъни камида 1-2 км. юриш.

Оқоридаги жисмоний кўникмаларни ҳар бир оила кун тартибига киритса, хонадон аъзоларининг саломатлиги мустаҳкамланиб, турмуш тарзига боғлиқ бўлган 50-55 фоиз касалликларнинг олди олинади.

**Алишер САЛАЕВ,**  
Хоразм вилояти алоқа ходимлари бирлашган  
касаба уюшма кўмитаси йўриқчиси

Кўпни кўрган бобо ва момоларимизнинг ҳаётий тажрибасига таяниб фикр юритадиган бўлсак, мустаҳкам оила икки ёшнинг бир-бирига ишонч ва садоқатидан бунёд бўлади. Уткинчи ҳоҳ-ҳаваслар асосига қурилган оила эса ҳаёт чигиринига дош беролмай, салгина ёққан ёмғирда ҳам ивиб қулаб тушади.



## Тўққис бахт

Оила мустаҳкамлиги турмуш қурган ёшларнинг сув келса симириб, тош келса кемириб, рўзғор аравасини баравар тортишига боғлиқ. Шундай масъулиятни бўйнига ола билганларгина эҳтиромга лойиқ. Аёл оқила ва фозила бўлса, эракнинг бахти қулгани шу. Қўллаб-қувватловчи турмуш ўртоғи бўлган, бундай аёлнинг бахтини эса тўққис деяверинг.

Сиз суратда кўриб турган бу бахтли аёл — 14 йиллик тажрибага эга ўқитувчи Наргиза Эргашева. 1991-1996 йилларда Тошкент Давлат педагогика университетини тамомлаган. Ҳозирда Мирзо Улуғбек туманидаги 248-мактабда юқори синф ўқувчиларига она тили ва адабиётдан дарс беради. Унинг бахти — ўз касбини ҳаётининг мазмуни деб билганида. Бугунги кунда у турмуш ўртоғи Олим Мама-райимов билан Шаҳноза, Мадина ҳамда Севара исмли қизларни тарбиялаб вояга етказмоқда.

Шаҳноза эндигина 14 ёшга кирганига қарамасдан, ота-онасининг кўмагида «Орзуларим» деб номланган жажжигина шеър китобчаси-

ни нашр қилдиришга улгурган. Унинг шеърлари ҳар қандай инсонни таъсирлантиради.

Наргиза опа дарс тугагач, 30 нафар ўқувчи ёзиб берган иншо дафтарларини кўтариб, уйга ошиқади. Рўзғор ишларидан ортиб, дафтарларни текшираман дегунча, вақт алламаҳал бўлиб қолади. Ҳамма ширин уйқуга кетган маҳали, у 30 дафтарга кўнгил боғлайди. Бу ҳолни кўрган Шаҳнозанинг қалбида онасига бўлган меҳр туйғулари янада кучайиб, қуйидаги мисраларни қоғозга туширади.

**Ўттиз дафтар, ўттиз тақдир, ўттиз тугён,  
Ўттизта тор чертилади — турфа оҳанг...**

Бола одобли, салоҳиятли бўлса, энди бу ота-онанинг бахти. Айтишларича, яхши фарзандлар ота-онанинг бу дунёдаги жаннати ҳисобланаркан. Маърифат чечаклари ниш урган хонадонда вояга етаётган фарзандлар эса миллатимизнинг фахри ва гурури ҳамдир.

**Назира БОЙМУРОДОВА,**  
«Ishonch» муҳбири.  
Муаллиф олган сурат

**Оила — муқаддас даргоҳ. Инсонга оила қуриш, насл қолдириш, тинч, фаровон турмуш кечириш буюрилган. Шу боис муқаддас китобимизда Аллоҳнинг энг ёмон кўрган сўзи «талоқ» экани эслатиб ўтилади. Бундай нохуш ҳолат рўй бермаслиги учун эр-хотин имонли, аҳил, сабр-қаноатли бўлмоғи даркор. Ўзбек халқи азалдан оила мустаҳкамлиги, фарзандлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб келган. Алишер Навоий, Бобур, Ойбек каби алломалар ота-онага ҳурмат, итоат, фарзандлар масъулияти борасида ибратомуз асарлар битишган.**

Бошни фидо айла ато қошига,  
Жисми қил садқ ано бошига.  
Икки жаҳонингга тиларсан фазо —  
Ҳосил эт ушбу икисидин ризо.  
Тун-кунунгга айлагали нур фаш,  
Бирисин ой англа,

бирисин кўёш.

Мазкур сатрларда улғ мутафаккир Алишер Навоийнинг фарзандлик бурчи борасидаги қарашлари теран ифодаланган.

Адабиёт сўзининг ўзаги «одоб»дан таркиб топгани барчамизга маълум. Зеро, баркамол авлодни вояга етказишда адабиётнинг ўрни беқиёс. Суюкли адибимиз Абдулла Қодирий ҳам «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» романларида оилавий муносабатлар талқинига алоҳида эътибор қаратган. Адибнинг ўзи ҳам ҳаётда ҳалоллиги, миллатпарварлиги, юксак эътиқоди билан ёш авлодга ибрат бўлган. Ёзувчининг оилада инсофли, тўғрисўз, меҳнатқаш, қаттиққўл эканлиги «Отам ҳақида», «Отамдан хотиралар» (Х. Қодирий) китобларида ўз ифодасини топган. Ота-онага эҳтиромли, қариндош-уруққа оқибатли, фарзандлар тарбиясига

## Нега йиғлар

талабчан адиб аслида оғир табиатли, закий инсон бўлган. Мазкур жиҳатларни Абдулла Қодирий яратган қаҳрамонлар фитратида ҳам учратиш мумкин. «Ўткан кунлар» романидаги Юсуфбек ҳожи, Мирзакарим қутидор, Олим понсад хонадонлари тасвирига эътибор беринг-а. Юсуфбек ҳожи — Ўзбекоийм жуфтлигини кузатиб, икки хил сийратли кишилар умргузаронлик қилаётганининг гувоҳи бўласиз. Юсуфбек ҳожи вазмин, босиқ, ватанпарвар, донишманд шахс тимсолида тасаввуримизда гавдаланади. Алломаларнинг оз сўзла, кўп тингла ақида-сини дастуруламал айлаган улғ ёшли инсон ёзувчи томонидан бундай тасвирланади: «Ҳожи бир неча вақт сўзлагувчини ўз оғзига тикилтириб ўтиргандан сўнг, агар маъқул тушса «хўп» дейдир, гапига тушунмаган бўлса «хўш» дейди ва жуда ҳам ўзига номаъқул гап бўлса, бир илжайиб

кўйиш билан кифояланиб, бундан бошқа сўз айтмайди ва айтса ҳам уч-тўрт калимадан нарига ошмайди». Ўзбек-ойимнинг чала думбул табиати, шошқалок, бесабр, тутуруқсиз феълига кўникиб қолган ҳожи муросаи мадорда кун кечиради.

Ёлғиз фарзандлари Отабекнинг юрт қайғуси, фаровон турмуш борасидаги теран мушоҳадлари Юсуфбек ҳожи тарбияси маҳсули бўлса, ота-она билан маслаҳатлашмай, шошиб уйланиши Ўзбекоийм табиатидан ўтгани англашилади. Ота-она феъл-атворидаги кўпгина жиҳатлар фарзандга меросдир. Бежиз халқимиз: «Қуш уясида кўрганини қилади», — дея нақл этмаган.

Энди Мирзакарим қутидор хонадонига нигоҳ ташласак. Қутидор ориятли, фаросатли, танти киши бўлиб, аёлларни ҳурмат қиладиган, бирон қарор қабул қилишда ожиза-

# Шахсий муносабатларда — маданият

**Азал-азалдан ота-боболаримиз ўғилларини уйлаш учун бирор хонадонга оғиз солишганда, икки ёшнинг мижозига, юлдуз-юлдузига тўғри келиш-келмаслигига қараб иш кўришган. Бугун ҳам айрим хонадонлар Оврўпада машҳур бўлган гороскоплардан фойдаланадилар. Чунки ҳар бир инсоннинг феъл-атвори аждодлардан ўтиб келган тўрт насур: холерик, флегматик, сангвиник ва меланхолик темпераментлардан иборат бўлиб, бошқача айтганда, оқаётган хилларнинг даражалари турличадир.**

Чунончи, сафронинг хусусияти куруқликдир. Унинг иши — бадандаги ортиқча намликни сиқиб чиқариб, куруқ сақлаб туриш. Қоннинг хусусияти иссиқлик бўлиб, у бутун организмни мўтадил иситади. Қора ўт баданда намликни таъминлайди. Балғамнинг хусусияти эса совуқликдир. У баданни ортиқча қизиб кетишига йўл қўймайди.

Инсонда шу тўрт хил суюқликдан қайси бири меъеридан кўп ё камлигига қараб унинг мижозини аниқлаб ола бўлади. Жумладан, холерикликларда сафро устун бўлади. Сангвиникларда қон даражаси меъёрдан ортиқдир. Меланхоликларда қора ўт ортиқча бўлса, флегматикларда балғамнинг ортиқлиги етакчилик қилади.

Аmmo аксарият одамлар мижозларидаги бу хусусиятларни билмайдилар, билишга ҳам қизиқмайдилар. Қизик-да, масалан, жиззаки холерик мижоз эркак тепса-тебранмас флегматик темпераментдаги аёлга уйланиб қолса, нима бўларкин? Нима бўларди, бундай хонадон, уруш-жанжалнинг инига айланади-қолади. Афсуски, кўр-кўрона жуфт танлаш охир-оқибат оиланинг емирилишига олиб келади.

Мана сизга ҳаётий мисол: биз яқиндан таниган бир оила ўз келишмовчиликлари туфайли «қўйди-чиқди» қилишга тайёр бўлиб қолганди. Ушанда маҳалла оқсоқоллари билан уларнинг нураб бораётган оиласини муҳокама қилишга йиғилдик. Оғир-босиқ, психик жиҳатдан анча суст кўринадиган уй бекасининг айтишича, у эрини севиб турмушга чиққан. Маълум бўлдики, эр ҳам ёқтириб уйланган. Разм солиб қаралса, эр-хотиннинг маълумоти,

дунёқараши ҳам деярли бир-бирдан фарқ қилмасди. Шунга қарамасдан, аёл афсуснадоматлар билан кўз ёши тўқди. Афтидан уларнинг иккаласи икки томонга кетиши зарурлигини тушунишса ҳам негадир яшайверишган. Жанжалли оилада фарзанд туғилиб, бир-бирларига анчайин кўникиб ҳам қолишган.

Қизиғи, ўзаро зиддиятлар турмушнинг асосий ўзак масалаларида эмас, аксинча, кундалик маиший иқир-чиқирларда намоён эканлиги маълум бўлди. Улар ҳар бир масалада бир-бирига қарши фикр билдириб, бўлар-бўлмасга дилларини оғритаверишган. Бу эса уларнинг юракларини ҳам, асаб торларини ҳам қақшатган. Хўш, нега шундай ҳол юз берган? Низоларнинг олдини ола бўлмасмиди?

Аёлга сўз берилганда, ажрашишдан бошқа чора йўқ, деган қатъий ҳукми айтди. Шунда маҳалла фаоллари орасидан ўқимишли бир қария уларга насиҳат қилиб, яхшиси руҳшунос билан учрашиб келишларини маслаҳат берди. Улар бу таклифга қулоқ тутиб, руҳшунос кўригидан ўтдилар. Руҳшунос бир қанча маслаҳатлар бериб, мутолаа қилиш учун оммабоп психологик адабиётлардан бир нечасини уларга тақдим қилган. Жумладан, жaxonга машҳур америкалик Бенжамин Спокнинг китоблари, инсон табиати тўғрисидаги қатор асарлар, «Оптимизм чизгилари» деган нодир бир қўлланмани ҳам ўқишга тавсия этган. Мазкур асарлар улар томонидан уч ой давомида ўқиб чиқилган, ўша оиланинг руҳий дунёсида янгича ўзгаришлар юзага келди. Авваламбор, эркакнинг илгариги жиззакилиги сусайиб, салга сапчиб кетадиган одатини ташлади. Орадан

бир йил ўтгач, жуда енгиллик қилган эканми, деб очик-ойдин пушаймонлик билдиришди. Бундай қараганда, аввал ҳам бу оила орасига совуқчилик солишга асос бўладиган ҳеч нарса содир бўлмаган. Масалан, эр ўзича ўжарлиги тутиб, уй жиҳозларини бошқатдан жойлаштириб чиқишга қарши бўлган. У уй жиҳозларини ҳадеб бир жойдан иккинчи жойга кўчираверишини ёқтирмаган. У ўз аёлининг қўшнилари, дугоналари билан тез-тез кирди-чиқди қилишини ҳам ёқтирмаган. Хотини бошқа бир оилани ҳавас қилиб гапирса, буни эр ўзича ҳақорат деб билган. Бора-бора эр хотинининг тутумларидан зада бўлиб, руҳий изтиробга тушадиган бўлиб қолган.

Аслида эрининг бундай талаби, ҳар қандай бошқа инсоний хусусият сингари, камчилик саналмайди. Психологик адабиётлар таъсирида ўзини ўзи қоқиб-силкиган аёл кейинчалик ўтган ҳаёт йўлига назар солиб, эрининг талабларини тушунишга эътибор қила бошлади. У энди турмуш ўртоғининг феъл-атворидаги изчилликни, тушунчасидаги барқарорликни, қизиқишларини, садоқатини, қобилиятини кўпроқ қадрлаш пайида бўлди, шуни одат қилди.

Яна у эрининг бошқа талайгина муҳим жиҳатларини билишга, тушуниш ва қадрлашга уринди. Ана шундай йўл тутган аёл ўз феълдаги худбинлик асоратларини ҳам бирма-бир таҳлил қилишга ўтганлиги эътиборга сазовордир. Муҳими, башарти ўзининг барча шикоят ва талаблари эри томонидан бажарилаверганда, ўз жуфти ҳалолнинг жисмоний ва маънавий ҳаёти хавф остида қолишини ҳам тушуниб етди.

Масалан, у ўқиган бир китобида шундай салбий факт келтирилганлигини эслади. Унда ёзилишича, Фарғона вилоятида бир эркакнинг руҳий касал бўлиб ўлишига хотинининг ҳеч қандай сабабсиз бир квартирадан иккинчисига кўчиб ўтавериши, уй сотиб-уй олиши сабаб бўлган. Хотини квартирасини учинчи марта алмаширганда бесаранжомликдан эр касал бўлиб ётиб қолган. Шу ётганча қайтиб оёққа турмаган.

Биз муҳокама қилган мазкур оилада ҳам аёл худди шунга ўхшаш хатти-ҳаракатга қўл ура бошлаган. У ҳам ўз уйини шаҳарнинг гавжум сарҳадида жойлашган бир квартирага алмаштиришни мўлжал қилиб юрган. Эр буни эшитиб, унинг истагини маъқулламаган. Уртада юз берган жанжалдан кейин аёл эри билан ажрашиб кетишга қарор қилган. Ушанда мазкур ёш оила бутун диққат-эътиборини хулқ-атворидаги хато ва камчиликларни йўқотиш ўрнига, ўрталаридаги зиддиятни ўз фойдаларига ҳал этиш, ҳар бири ўз қадр-қийматини оширишга қаратишган. Ваҳоланки, улар бир-бирларининг камчиликларини ҳадеб рўқач қилиб юрмай, хатти-ҳаракатларини сиртдан холис баҳолаб иш кўрганларида, ўзлари истаган натижага осонгина эришган бўлардилар.

Бизнингча, ёш оилалар тагин бир қоидага суяниши керак: улар ўзларининг ҳар қандай таклифу истақларини таҳдид қилмасдан, аксинча, табассум билан, очик юз билан тақдим қилишни ўрганишлари керак. Чунки, оилавий ишлар ҳеч қачон енгил кўчган эмас ва у ўз-ўзидан осонгина битиб ҳам кетмайди. Бунинг устига эр ва хотин бир-бирига қараб тўнғ гаплар айтиб, хўмрайиб турадиган бўлсалар, умуман ҳаёт, оилавий муҳит жуда зерикарли бўлиб қолади. Уринли қилинган ҳазил-хузуллар орада пайдо бўлган кескинликни юмшатиб, шахсий муносабатлар маданиятини шакллантирувчи восита ҳамдир. Табиатидаги нотўғри хатти-ҳаракатларни йўқотиш ва хулқ-атворини мувофиқлаштириш учун эр-хотин бир-бирларини доимий равишда кузатиб бориши лозим.

Умуман олганда, ҳар қандай оила эр ва хотиннинг ўз-ўзини назорат қилиб туришини тақозо этади. Кейинчалик ўзаро ҳурмат оддий одатга айланади ва уларнинг табиатига сингиб кетади. Шу йўл билан оилада мустақкамлик, чиройли хулқ-атвор, қувноқ ҳаётни барпо этиш мумкин.

**Маҳмуд НАЗАРОВ,**  
филология фанлари номзоди

лар фикри билан ҳисоблашадиган маънан етук шахс. Бундай муомалага жавобан Офтоб оғим ҳам эрига юксак эҳтиром кўрсатади. Ёзувчи уни «юздан мулоимлик, эрига итоат, тўғрилиқ маънолари томиб турган бу хотин Кутидорнинг рафикаси Офтоб оғим» дея китобхонга таништиради. Мазкур жуфтлик бахтни соғлиқ, самимийлик,

бидаги асосий маъно нуқталаридан бири бўлган бу жумладар оила бошига тушажак кулфатларнинг ибтидосидир. Кўпни кўрган, юрт сўраган ота дониш нигоҳ ила фарзандининг келажагидан, уни кутаётган оилавий нохушликлардан ҳадиксирайди. Дарҳақиқат, Отабекнинг Зайнабга уйланиши ота-она орзусини рўёбга чиқаришдаги мажбурият эди.

фарзандлари билан ҳайдалишига муваффақ бўлади. Яъни тинч оилани яқсон этиб, норасида болаларни етим қилади. Эгачисининг «ақлли» маслаҳатига амал қилган Зайнаб Кумушни заҳарлаб кундошидан қутулади. Ўзи ҳам қилмишига яраша Отабек томонидан талоқ қилиниб, ақлдан озади. Қизиғи, имонсиз Хушрўйдан

## Кумушбибилар?..

хотиржамликда деб билади. Офтоб оғим озроқ эркатой бўлса-да, фаросатли, содда, самимий аёл. Қудаси Ўзбек оғим эса унинг зидди: такаббур, эрига ўткир, бесабр. Бироқ бу қудачалар бир кўргандаёқ бир-бирини ёқтириб иззат-ҳурмат кўрсатадилар. Отабекнинг Марғилондан уйланишига Юсуфбек хожи «қаерда бўлса ҳам соғ бўлсин» дея кўникса, Ўзбек оғим «анди келинни хотин ўрнида кўриши»га асло чиқолмай, жони ҳалқумига келади. Хожини ҳар сафар фарзанд тарбиялашни эп-лолмаганликда айблаб эри, ўғлининг раъйига қарши тошкентлик бир хонадондан қиз унашади. Бу хабарни эшитган хожи «лабини тишлаб» қолади. Хотинининг ишига жиддий эътироз билдириб, «Сенга сира ақл битмай кетар экан-да», — дейди.

Назаримизда, матн тарки-

Ота-ўғил суҳбатида Отабек: «Ақлли кишиларнинг ўғиллари устидан қилган ишлари албатта номаъқул бўлмас», — дея хожини тонг қолдиради. Юсуфбек хожи, Кутидор етти ўлчаб бир кесадиған эҳтиёткор, диёнатли шахслар бўлгани боис доим қудалиқ муносабати самимий кечган. Кутидорнинг Отабекни Тошкентдан уйланишида келиб тўйга бошчилик қилиши унинг сийратигадиқ мардлик, тантиликни намоён этади.

Мазкур оилаларга фожиа уруғини сочган Хушрўй биби, Зайнаб вояга етган оилага назар ташланса, Олим понсад — Мохира оғим жуфтликда фарзандлар тарбиясига жиддий эътибор берилмагани маълум бўлади. Негаки, Хушрўй биби тил бириктириб Нусратбекка турмушга чиқар экан, биринчи навбатда кундошини йўқотишни мақсад қилади. Уч ойга қолмай мусичадек беозор аёлнинг

фарқли ўлароқ умрида бундай ёвузликни илк бор содир қилган Зайнабни виждон азоби жунун ҳолатига келтиради.

Ўйлаб кўрилса, ваҳшийлик, шайтоний ҳирс Юсуфбек хожини ёлғиз ўғли Отабекдан, Мирзакарим кутидорни яккаю ягона фарзанди Кумушдан, Олим понсадни эса юрт олдида шарманда қилиб, Зайнабдан айрилишига сабаб бўлади. Ёзувчи одамзод фитратига теран нигоҳ ташлаб, уни турли ракурсдан ёритиб беришга муваффақ бўлади. Оила бaxти, тинч-товушлиги икки томонлама самимийлик, меҳр-оқибатда жамулжам бўлиши мазкур асар орқали янада теранроқ тасвирлаб берилади. Оила жамият пойдевори экан, унинг мустақкамлиги йўлида ҳар бир ота-она ва фарзанд масъул ҳисобланади.

**Умида РАСУЛОВА,**  
ЎЗМУ доценти

## Оила мактаби

**Узун туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, ФХДЁ бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида «Ёш оила қурувчилар» мактаби ташкил этилди. Мактаб таъсисчилари маҳалла ва гузарлар, касб-хунар коллежлари, умумтаълим мактабларида машғулотлар ўтказаяпти. Бунга мустақил ҳаёт остонасида турган ёшлар катта қизиқиш билан қарамокда.**



— Мактабни ташкил этишдан мақсад оила қурадиган ёшларнинг ҳуқуқий-сиёсий, тиббий билимларини ошириш, оиланинг муқаддаслигини тушунтириш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишдир. — дейди туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Дилором Сафарова.

Машғулотлар давомида тингловчилар Ўзбекистон Республи-

каси Президентининг «Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирларнинг ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик ва Оила кодекслари ҳамда соҳага оид амалдаги бошқа қонунлар билан яқиндан таништирилмоқда.

— Ёшларнинг дунёқараши билан ҳисоблашишга тўғри келади, — дейди туман ФХДЁ мудираси Раъно Шоймуродова. — Уларнинг оила ҳақидаги қарашлари жиддий. Турмуш қуриши шунчаки ҳолат эмас, катта масъулият деб тушунаётганлари кишини қувонтиради.

Машғулотларга туманда истиқомат қилаётган ибратли оилалар соҳиблари, катта ҳаёт тажрибасига эга кексалар таклиф қилинаёттир. Улар умр йўлларидаги ютуқ ва қийинчиликлар ҳақида ёшларга ибратли маслаҳатлар беришяпти.

**Рустам ДАВЛАТ,**  
«Ishonch» мухбири

**Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси маъмурияти  
ва касаба уюшмаси қўмитаси**

*Меҳнатқашлар ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий  
манфаатларини ҳимоя қилишга муносиб ҳисса қўшиш келаетган  
кортилизнинг барча ОАВ ходимларини, ишодкорларини  
27 июн – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини  
муносабати билан самимий табриклайди.*

*Давр билан ҳамнафас қадам ташлаётган журналистларимизга  
ва уларнинг ҳамкорларига сihat-саломатлик,  
узок умр, оилавий бахт-саодат ҳамини  
ёр бўлишини тилаб қолади!*

**Байрамнингиз муборак, азизлар!**

**Жиззах шаҳар молия  
бўлими маъмурияти ва бошланғич  
касаба уюшма қўмитаси мамлакатимиз  
қалам аҳлини 27 июн – Матбуот ва  
оммавий ахборот воситалари ходимлари  
кунини билан самимий табриклайди.**

**Энг эзгу тилаклар Сизга  
доимий ҳамроҳ бўлсин.**

Шукур КУРБОН



# Миллий кутубхона қурилишига

Саъй айлаки, ҳифзи ганжга етгайсен,  
Йўқ улки, кутуб саъй ила жамъ этгайсен.



Алишер НАВОИЙ

Ватан қурилишлар майдони бу кун,  
Қай бири кераксиз, қани, айтингиз?  
Аввалги хароба аҳволи учун  
Бўлганми раҳмингиз келган пайтингиз?

Оқиллар етади замон сирига,  
Боболардан қолган ажиб бир тадбир:  
Обод гўшаларга — кетган ерига  
Қайтар фаришталар, кўринг, бирма-бир.

Ҳазрат пайгамбарга, нега, энг аввал  
Буйруқ келган «Ўқи» дея уч бора?  
Ўқиш шунча муҳим бўлганми азал,  
Муҳимми у бошқа ишлардан кўра?

«Тила — тилагингни!» сўрар ҳукмдор,  
Хизматидан мамнун, Ибн Синодан.  
«Кутубхонангизга эҳтиёжим бор,  
Шу менга азизроқ молу дунёдан».

Бир китоб хурмати — салкам йигирма  
Кило олтин бўлди, кўпми бу ё оз?  
Темур газнасида эҳсон чегирма  
Шабистар аҳлини қувнатгани рост.

Али Қушчи бобо карвони борар  
Ҳисор тоғларида адашмай ҳамон.  
Мирзо Улуғбекдан мерос китоблар  
Кутубхона сирли гор ичра пинҳон.

Буюк сиймолардан мерос сийратнинг  
Ҳарфига ҳам даҳл қилолмас ғаддор.  
Бу Шарқ марвариди — маънавиятнинг  
Муҳташам саройи — мангу, пойдор.

Бунда битикларнинг ор ва номуси —  
Қуръони Каримдан нусха сақланар.  
«Туркистон тўплами» — халқлар қомуси,  
Ки беш юз тўқсон тўрт жилд варақлар.

Шунча мўъжизани бир маконда жам  
Бўлганин кўрганлар борми, қайси пайт?  
Боқаман ҳайратдан кўзларимда нам,  
Ўн миллион нусха, қай бирин айтай?

Варақлар эканман уларни ҳамон,  
Кекса талабадек дорилфунунда,  
Компютер илмига етар-етмас онг,  
Лекин бахтиёрман ҳамда фархунда.

«Интер», бу — халқаро, «нет»  
эса, тармоқ,  
Нималарга етмас инсон шуури:  
Бу кутубхонага мумкин боғланмоқ,  
Дунёнинг хоҳлаган жойидан туриб.

Масофа йўқ, демак, тил билмас йўқдир,  
Йўқ — маъно дайрида кўрлар, басирлар.  
Она тилимизда бор жаҳон ўқир,  
Дунёга чиқмоқда бизнинг асарлар.

Вақт тигиз дамлар бу, зарур бўлган чок,  
Осон — туш кўргандек ётиб уйкуда,  
Бу кутубхонага буюртма бермоқ  
Мумкиндир кўчага чиқмасдан, уйда.

Навоийдан бошлаб қанча шоирнинг  
Ижоди электрон шаклда пайваст.  
Топилар бир зумда ҳар

қандай шеърнинг  
Ҳар қандай парчаси, «буйруқ» берсанг бас.

Китоб музейини эшитганмисиз?  
Кўрасиз уни ҳам кутубхонада.  
Лекин экспонат эмас, тирик сўз  
Оқар китобларнинг кўҳна қонида.

Филмга айланган китоблар қанча,  
Китоблар — филмсиз англамоқ қийин.  
Қиёслаб ўрганмоқ бунда бошқача,  
Ўқимоқ бошқача — филмдан кейин.

Ошиб ўтган каби баланд бир тоғдан,  
Саҳифалар аро кездим дарбадар —  
Тонгда кирган киши ушбу даргоҳдан  
Чиқолмай қолади оқшомга қадар.

Уни мафтун этар ақлу ҳис мулки,  
Ҳар қандай беҳуда фикру ўй хато:  
Бундан олим бўлиб чиқиши мумкин  
Янглишиб ўқишга кирганлар ҳатто.

Ахир, халқ боқийдир, ҳикматлар қадим,  
Нони бутун дерлар ўқиган элнинг.  
Ўқиган ўғиллар — отадан олдин,  
Ортидан боришар кекса кўнгилнинг.

Билар, «Ўқи» дейди Юртбоши, Ватан,  
Уч бора эмас, йўқ, саноксиз бора.  
Сийлар ўқиганин ошириб ҳаддан,  
Яратиб беадад имкон ва чора.

Яшай олмас Ватан, халқ ва авлодлар  
Келажаксиз. Боғлиқ — илм-фанга у.  
Ўқимаган элга қулади ётлар,  
Ўқимаган элни чўқийди қайғу.

Мустақил юрт йўлдан адашмаган ҳеч,  
Уни иймон чорлар, эътиқод чорлар.  
Кўр кўзларни очиш учун эрта-кеч  
Дуодан бўшамас онаизорлар.

Яратган эгамнинг ваъдаси бордир,  
Дуолар мустажоб бўладиган пайт.  
Озод эл жаҳонда ҳар нега қодир,  
Даҳо бўлолмасак, бу энди — уят.

Қадим Шарқ, бас, яна  
шарқлигин қилсин,  
Тўғрилансин қараб соатлар бизга.  
Илм деб бор олам бизга интилсин,  
Биз-чи? Интилайлик ундан олисга.

Ҳа, қайта қурилар ушбу кун Ватан,  
Кутубхонага ҳам етибмиз, шукур.  
Кўнгилга-да навбат келади, зотан  
Уни қайта қуриш ҳаминша зарур.

Бунинг учун бир оз вақт керак, албат,  
Ниятлар тушиши лозим бир изга,  
Юксалиб бормоқда бутун мамлакат,  
Фаришталар ёрдам беради бизга.

03.09.2011

## Митти ҳикоялар

### Армон

Мақтабда ўттиз йил директорлик қилган фидойи муаллим ҳақида мақола  
ёзган эдим. Орадан анча фурсат ўтиб, ўша муаллимнинг вафот этганини  
эшитиб таъзия билдириш учун уйига бордим.

Гап орасида муаллимнинг ўғли деди:

— Отам ҳақида мақола ёзмоқчи эдингиз, ёздингизми, отам бечора ўшани  
кўп кутди-да...

Ҳайрон бўлдим. Ахир мақола бир ҳафта ўтиб газетада босилган эди.

— Биз ўқимадик...

Ўртага ноқулай жимлик чўқди. Шу пайт дераза раҳида турган, гултувак  
тагига тўшалган газетага кўзим тушди.

Синчиклаб қарасам, ўша газета!

— Ана, ўша газета! — дедим.

Ўғил ўрнидан туриб газетани олиб, мақолани кўрди. Сўнгра ўтириб қолди.  
Юзлари кизарди, кўзларидан ёш оқди.

— Отам бечора буни қанчалар кутган эди-я...

Ҳолбуки, марҳумнинг уч ўғли ва келини олий маълумотли, ўқимишли эди.

### Бир парча ер

Қишлоқ четидаги чимзор бола-  
ларнинг севишли жойи эди. Болалар  
сигир, қўй-эчкиларини шу ерга ҳай-  
даб келиб боқишар, футбол ўйна-  
шарди.

Ўтган йили Содик фермер чим-  
зорни ҳайдатиб ташлади. Ер унинг  
контурига тушган эмиш.

Парда бобо ошнаси Юсуф оқсо-  
қолни эргаштириб Содик фермер-  
ни излаб топишди. Фермер талмов-  
сиради. Чимзор унга тегишли эмас  
экан.

Парда бобо аччиқ устида деди:

— Сендек заминдорлар элдош-  
ларига кўприк, чойхона қуриб бера-  
япти. Ана, Шокир фермер юзта бо-  
лага китоб олиб берибди. Ишқилиб,  
сенга ўхшаганларга кунимиз қолма-  
синда... Мабодо қабристон ҳам сиз-  
га қарашли эмасми? Ё ўша жой ҳам  
контурингга тушганми?

Эртасига Парда бобо боғининг  
бир четидан болаларга футбол ўйна-  
ши учун жой ажратди. Улар ҳам бо-  
бога беда ўриш, меваларни териш-  
да ёрдам берамиз, деб ваъда бе-  
ришди.

Қопган экан, — дедим.

— Лекин ўғирликни эшитган Ҳамро ака унча ҳайрон бўлмади, милисага  
ҳам хабар бермади.

— Қизиқ, ўша аканг ўғрилари таниса керагов.

— Бунисини билмадим, лекин жуда хотиржам, аҳвол сўраганларга эса «ҳа,  
энди бордан олади-да» дермиш.

Орадан икки ҳафта ўтиб Ашир муаллим яна янги гап айтди:

— Бояги сигирини ўғирлатган Ҳамро акага тоғаси иккита соғин сигир бе-  
рибди, эшитдингизми?

— Йўқ.

— Ўғрибоши Норбой бобонинг кенжа ўғли экан.

— Йўғ-а.

— Шундай, қимор ўйнаб қарзга ботган экан. Бечора отаси билиб қолиб,  
ўзининг молини олиб келибди. Ахир улар тоға-жиян, ўртада қариндошлик  
риштаси бор.

### Пичоқ

Бегман чойхоначи тўй бошлаган куни пешиндан сўнг  
ҳавонинг авзойи бузилди. Кун ботар тарафдан қора  
булутлар ўрлай бошлади. Супада сабзи тўғраётган-  
лар бир кўкка, бир Бегман чойхоначига хавотир би-  
лан қарашди.

— Кудда бова, давлатингиз босадими дейман, қор-  
нинг совуғи келаяпти, — сўз қотди Абдивоҳид таксичи  
ҳазиллашиб.

— Билмадим, оғайнилар, аввалги тўйларим тинч  
ўтгич эди, давриппа, ёғмасов... — деди тўй эгаси ку-  
лимсираб.

— Қўрқманг, Бегман, ёмғир ҳам, қор ҳам ёғмайди.  
Фақат мен айтган анови ишни зудлик билан бажариб  
келинг. Аммо ҳеч ким кўрмасин, ирими шундай, — деди  
Йўлдош муаллим мийиғида қулиб.

— Бегманбой кимсан доврўғли Боймурод раиснинг  
боласи, давлат куши кўнганлардан. Бир йили Шуку-  
ров деган оғайниси тўй қилганда, ишонсангиз, ста-  
кандаги ароқ ҳам музлаган, — пичинг билан суҳбатга  
аралашди Тошпўлат махсум.

Зум ўтмай Бегман чойхоначи қаергадир бориб кел-  
ди ва Йўлдош муаллимнинг ёнига чўқди.

— Айтганингиздай қилдим, ўзиям Бахтиёр бобом-  
нинг ҳўкиз сўядиган пичоғини ерга қадаб келдим.

— Яшанг, — деди Йўлдош муаллим. — Фақат тўй  
тарқагач, дарров пичоқни сўғуриб олинг, бўлмаса зиё-  
ни тегади...

Буни қаранг, ўша куни осмондаги қора булутлар тоғ  
тарафга ўтиб кетиб, уфқ қизариб кун ботди. Эртасига  
ҳаво очиқ бўлди. Тўй бинойидай ўтди.

Шундай сирли анжомнинг бугунги кунда оддий ош-  
хона «хизматчиси»га айланганига ачинаиб кетдим...

### Бемор

— Бемор одам кимнидир кутиб  
кунни ўтказар экан, — деди яқинда  
шифохонадан чиққан танишим. — Энг  
муҳими, кўп нарсанинг моҳиятини,  
қадрини чуқур анларкансан.

Ажабо, ҳаётимиз мазмунига тушу-  
ниб етиш учун шифохонага тушиши-  
миз керакми?

Бекорга Фузулий ушбу байтни бит-  
маган экан-да:

**Шифойи васл қадрин ҳажр ила  
бемор ўландан сўр,  
Зулоли завқ-шавқин ташнаи  
дийдор ўландан сўр.**

### Ришта

— Мақтаб қоровули Ҳамро аканинг  
икки бош молини кеча ўғирлаб кетишиб-  
ди. Ўғрилар ҳам устамон бўлиб кетган,  
кўтоннинг деворини арра билан кесиб  
йиқитишибди, — деди суҳбатдошим  
Ашир муаллим. — Энг ажабланарлиси,  
ўғрилар йўлнинг нариги четидаги беда-  
пояда қаровсиз ётган Турди фермернинг  
молларига тегабди.

— Камбағални туянинг устида ҳам ит

### Кўнгила дарахти

Февралнинг  
ўртасида ҳовли-  
миздаги бир туп  
бодом гуллади.  
Унинг оппоқ гул-  
лари кўнглимда  
аввалига қувонч,  
сўнгра ҳадик уй-  
ғотди.

— Ишқилиб  
совуқ уриб кетма-  
син, — дедим  
аёлимга.

Туни билан шу  
хаёлимдан кетма-  
ди. Эски хотира-  
лар, орзу-уйлар  
қайта жонланди.  
Ажиб ҳолатга туш-  
дим. Дилимда да-  
рахт ўсаётгандек  
бўлди.

Қачон гулла-  
сан, кўнгила дарах-  
ти?!

Ўролбой ҚОБИЛ  
Қамаши

# Александр Пушкин дуэлда ўлмаганми?

У Александр Дюма тахаллуси остида Францияда яшаган ва «Граф Монте Кристо», «Уч Мушкетёр» каби жаҳонга машхур асарларни яратган дейишмоқда



Тарихий шахслар ҳаёти ва ижоди, уларнинг таржимаи ҳолидаги мавҳум жиҳатлар талқини кўпчиликка қизиқ бўлса керак. Айтайлик, ўзбек адабиёти тарихидаги «Гул ва Наврўз» дostonи узоқ йиллар Мавлоно Лутфийга нисбат бериб келинди. Аммо кейинги давр тадқиқотлари бу фикрнинг мақбул эмаслигини кўрсатди. Ёхуд улўф шоир Алишер Навоийнинг бобоси ҳақида ўтган аср сўнггида водийдаги қатор матбуот нашрларида пайдо бўлган фаразлар, тадқиқотларни эсланг. Уларда Навоийнинг бобоси асли Фарғона водийсидан бўлгани, соҳибқирон Амир Темур лашкарлари сафида Ҳиротга бориб ўрнашиб қолгани, оила қуриб ўша ерда яшагани, Гиёсиддин кичкина унинг ўғли эканлиги айтилганди. Бундай изланишлар, тарихий шахс биографиясидаги номаълум воқеаларга ўчлик фарб адабиётшунослигига ҳам хос. Масалан, буюк драматург Вияям Шекспир ҳаёти ва ижодига оид ҳозиргача давом этаётган баҳс-мунозараларни олайлик. Баъзи тадқиқотчилар ҳатто Шекспирнинг ҳаётда ҳақиқатда бўлмагани, номаълум муаллиф аллақандай Шекспир исми омадсиз ва истъдодсиз актёр номидан машхур пьесаларни ёзганини исботлашга уринди. Айримлар эса бу пьесаларни бир гуруҳ шахслар узоқ йиллар давомида ёзиб, саҳнага қўйганини хусусида сўз юритадилар.

Ўтган асрда яратилган «Тинч Дон» роман эпопеяси муаллифи Михаил Шолоховга отилган тошларни эслайлик. Бу асарни аслида Шолохов уйи ертўласида яшаган қочоқ оқ гвардиячи офицер ўз ҳаёти мисолида битгани, Шолохов эса романга фақат ўз фамилиясини қўйгани хусусидаги мишмишлар дунё матбуоти саҳифаларини эгаллаганди. 1965 йили Шолоховга Нобел мукофоти берилишидан аввал асар махсус халқаро текширувдан ўтказилади ва унинг Шолохов қаламига мансублиги тасдиқланади. Бундай мисоллар дунё адабиёти тарихида кўп. «Вафот этди», «ҳалок бўлди» деб ҳисобланган ва ҳатто тантанали тарзда дафн этилган айрим машхур шахсларнинг аслида тириклиги хусусида пайдо бўлган, ҳозир ҳам учрайдиган гаплар қулғимизга чалинган, албатта.

Яқинда интернет саҳифаларини ўқийтиб, яна бир қизиқарли, тарихий билими-

мизга зид фактлар асосидаги мақолани кўриб ҳайратим ошди. Уни газетхонлар билан ўртоқлашишга қарор қилдим. Ҳа, айна кунларда рус матбуотида пайдо бўлган янги гап: Александр Пушкиннинг Дантес билан ўтказилган дуэлда ўлмагани, аксинча, яширин тарзда Францияга қочиб кетиб, ўша ерда умргузаронлик қилгани ва ҳатто Александр Дюма тахаллуси остида кўплаб асарлар битгани хусусидаги фикрларга ҳам юқоридаги нуқтаи назардан ёндашиш мумкин. Хўш, бу тахминлар қандай манбаларга таянади?

Шуниси эътиборлики, Пушкин ва Дюманинг насл илдизлари Африкадан — Пушкиннинг бобокалони эфипиялик ҳабаш бўлса, Дюманинг момоси африкалик занжи эди. Пушкин ҳам, Дюма ҳам қоп-қора жингалак сочли, истъдодли, меҳнатқаш, Россия ва Франция тарихига, Наполеон, декабристлар ва Кавказга ўта қизиққан. Аёлга кучли меҳр қўйишда ҳам

уларнинг табиати уйқаш.

Албатта, ҳар иккалови ҳам улкан адабий мерос қолдирган. Бу адиблар ўз мамлакатлари тарихи билан шуғулланган ва шу асосда бадиий асарлар ёзиб қолдирган. Уларнинг ҳаёти саргузашт, муҳаббат мавзусидаги романларга ўхшайди. Нина Милованинг шу мавзудаги мақоласида очикдан-очик: «Дюма аслида яширин суратда Францияга кетган Пушкиннинг ўзидир», деган фикр олға сурилади. Буни асослаш учун эса бир қатор жиддий омилларни исбот сифатида келтиради.

Александр Пушкиннинг гайриоддий ўлими ўз даврида ҳам, ҳозирда ҳам кўплаб тарихчи ва адабиётшуносларда шубҳа уйғотган. Жорж Дантес билан дуэл ташкил этиш учун арзирли сабаб йўқ эди-да. Шоирнинг рафиқаси Наталья Гончарова билан боғлиқ воқеалар орасида дуэлдай ўта жиддий яқма-яқка олишувга чиқишга арзийдигани йўқ... Шоирнинг

ярим тунда, деярли яширин тарзда дафн этилганлигини қандай тушунса бўлади? Бунинг устига Пушкиннинг майити қабристондаги оилавий мазорга эмас, балки ўрмон четига қўйилган!.. «Евгений Онегин» дostonида тасвирланган шоирнинг ўлими манзаралари Пушкин ўлими ҳолатларига жуда ўхшаб кетиши-чи? Тадқиқотчининг фаразига кўра, оилавий ва молиявий ишлардаги етишмовчиликлар, энг муҳими, император Николай билан шоир орасидаги салбий муносабатлар Пушкинни ўз сохта ўлимини ташкил этиш ҳамда Францияга кетиб, Александр Дюма тахаллуси остида ижодини давом эттиришга мажбур қилганмиш...

Чиндан ҳам Россия «Рус адабиётининг қуёши» мотамини бошдан кечираётган бир пайтда Францияда янги истъдодли адиб пайдо бўлади! Александр Дюма жаҳон адабиёти саҳнасида сира қутулмаганда пайдо бўлганига ҳам эътибор қаратинг... Бўлғуси адибнинг отаси генерал Дюма ўғли уч ёшга кирганда вафот этганди. Шундан кейин мамлакатнинг олис вилоятида яшовчи бу оилага қизиқиш сўнган. Дюма онаси ва сингиллари билан 23 ёшга киргунга қадар ўша ерда яшади, тарбияланди, улғайди. Ниҳоят, орадан йигирма йил ўтгач, у Парижда пайдо бўлади. Ёш йигит отасининг собиқ хизматдошларини ахтариб топади ва ўзини генералнинг ўғли сифатида таништиради. Улар, албатта, генералнинг ярим ҳабаш ўғли борлигидан хабардор эдилар, бироқ орадан йигирма йил ўтгач, буни на тасдиқлаб, на рад этиб бўлади... Хуллас, отанинг собиқ дўстлари «Генерал Дюманинг ўғли»га анча эҳтиёткорона муносабатда

бўлишади. Фақат герцог Дюфуа Александрнинг герцог Орлеанский хизматига киришига тавсия хати беради...

Бир қараганда ҳаммаси тўғри кўринади. Икки адиб характери, ташқи кўриниши, ҳаётларида ўхшаш томонлар кўплиги эътиборни тортади. Энг қизиғи, дунёга машхур ёзувчилардан фақат иккитаси — Пушкин ва Дюма буюк Карлга бағишланган асарлар ёзган. Бунинг устига рус исёнчилари — декабристлар ҳақида ҳам шу икки буюк адибнинг ёзгани қизиқ. Дюманинг ҳам «Қиличбозлик устои» асари декабристларга бағишланган. У ўз ижодий фаолиятини Россия ҳақида ёзишдан бошлашини қандай изоҳлаш мумкин? Яна бир қизиқ далил. Дюма ўзининг машхур «Мушкетёр» журналинини чоп этган. Рус тилида эса бу сўз «Пушкин» деган маънони билдирар экан. Яна бир диққатга сазовор жиҳат: Пушкин Наталья Николаевнага у ўн олти ёшда бўлган пайтда совчи қўйган. «Уч мушкетёр»даги Миледи хоним ҳам ўн олти ёшда унаштирилади. Миледи хоним иккинчи марта турмуш қилади. Наталья Николаевна ҳам 1844 йили иккинчи марта турмушга чиқади. «Уч мушкетёр»да Миледи хоним образининг хиёнаткор сифатида тасвирланишида шу факт аҳамиятлимасмикин? Чунки, «Уч мушкетёр» 1844 йили (Наталья Николаевна иккинчи бор турмушга чиққандан сўнг) ёзилган! Албатта, юқоридаги фактларни рад этиб бўлмас тарихий ҳақиқат дейиш қийин, аммо дунё ажиб сирларга тўла. Тагин ким билади, дейсиз...

**Алишер ИБОДИНОВ,**  
ёзувчи

## Инсон ва табиат

Баҳорнинг серёмғир кунларида подадан ажралган ола говмуш кўм-кўк бедазор оралаб қорин тўйдиргач, дамлаб қолди. Молбоқарнинг лоқайдлиги туфайли говмуш нобуд бўлди. Фермер Суюн амаки молнинг ўлигини яйловдан унча узоқ бўлмаган жойга ташлаб келди.

Тонг ёришгач, атроф сокин, осмон артилган шишадек тиниқ эди. Баҳорги таътил кунларида дўстим Дилшод билан фермада ишчиларга кўмаклашардик. Бир пайт чекка ташландиқ жойда бир гала йиртқич қушларнинг айланиб учиб юриши эътиборимизни тортди. Ўлжа бор жойда ўлаксаҳўрлар ҳам ҳозир нозир. Фермер билан уларга яқинлашганимизда бургут, тасқара, калхат каби қушлар экани маълум бўлди. Ўлаксаҳўрлар бизни кўргач, бирин-кетин учиб кета бошлади. Айримлари «зиёфат»ни давом эттиришарди. Гўшт бўлакларини бир-биридан тортиб олишини айтмайсизми. Фермернинг айтишича, бундай озуқа уларнинг бир неча оиласини тўйдирishi мумкин.

# Дашит Бургутти

— Бургут — ҳақиқий устакор қуш, — дейди Суюн амаки. — Ҳозир уларни тутиш қийин иш эмас. Истасангиз, биронтасини тутиб беришим мумкин.

Биз фермернинг тўр қармоқ ёки қурол-яроғсиз бургутни тутиб олиш ҳақидаги гапига ишонқирамадик. Қолаверса, бу тезучар қуш ҳақида китобларда ўқиган эдик.

Ўлаксаҳўрлар ҳафталаб оч юрган бўлса керак, озиқни керагидан кўп истеъмол қилганидан унча олишмасди. Фермер вақтни ўтказмай улар томон қадамни тезлатди. Қушлар истар-истамас қанот қоқиб, битта-битта ҳавога кўтарилди бошлади. Қолганларнинг учиб кетишига имкон бермаслик учун атайлаб қияликлардан узоқлаштириб, тепалик томон ҳайдай бошладик.

Ниҳоят, ўртамиздаги масофа беш-ўн одим қолганида бургутлардан бири

тўхтаб, бошини кескин пастга эгганича еган озуқасини қайт қила бошлади. Афтидан қуш озиққа тўла меъдаси билан унча олмай, чорасиз бир жойда туриб қолганди. Шунда фермер тезда кирза этиги билан қушнинг бошини ерга босганча оёқларини жуфтлаб боғлашга улгурди. Кейин жониворни қўлтиги тагига маҳкам қисиб, кўтариб олди. У хушқайфият билан ортига қайтди ва ўзига ярашган мўйловини силаркан, юзида табассум ва мағрурлик аломатлари пайдо бўлди. Ҳавода эса йиртқич қушларнинг шовқин-сурони бир зум ҳам тинмасди. Биз мўйловли амакини фермер сифатида билардик. Энди эса бир вақтлар унинг моҳир овчи бўлганлигини билиб олдик.

Таътил кунлари бўш уйча ичидаги бургутнинг ўлимтик ва майда сут эмизувчи жониворлар билан озиқланиши,



умуман олганда, ҳаёт тарзи билан таътиллик. Қисқаси, қушлар олами инсоният ҳаётида жуда катта аҳамиятга эга эканлиги ҳақидаги тасаввуримиз бойиди. Орадан кўп ўтмай тутқинликдаги йиртқич қуш вилоятдаги ҳайвонот боғига топширилганини эшитдик.

**Абдулла САИДОВ**

Жиззах вилояти

# Аншиқлиққа

## амал қилинг

1-Республика тиббиёт коллежининг «Фармация» бўлими раҳбари, доришунос Гулчехра Умарова билан суҳбат

— Салгина тобимиз қочса, дарров дори ахтариб қоламиз. Гоҳо кимдир яхши деб мақтаган таблеткани излаб топамиз, гўёки ўша одамга фойда қилган бу ҳабдори бизни ҳам тезда тузатадигандек туюлади. Шу тўғримикин?

— Йўқ, албатта. Ахир ҳар бир организм ўзига хос, қолаверса, бир хил касаллик билан оғриган кишиларга тавсия этилган битта дори уларга турлича таъсир кўрсатиши мумкин. Баъзан киши дорилардан захарланади ёки ўзбилармонлик билан уларни қабул қилгани туфайли аллергик дардларни орттириб олади. Демак, дорини харид қилган бемор уларни ичишдан аввал фойдаланиш қоидаларига амал қилиши шарт.

— Дорининг юзлаб турлари бор, кўпчилигининг номи ўхшаш, бир қарашда фарқлаш ҳам қийин...

— Шунинг учун ҳам бемор шифокор ёзиб берган рецепт асосида дорини олиши керак. Борди-ю дори номини адаштира, тузатиб бўлмас нохушликлар юзага келади. Ҳозирги кунда истеъмолда бўлган асосий дориларни бир қанча гуруҳга ажратиш мумкин. Масалан:

- юрак қон-томир тизими-га таъсир кўрсатувчи (юрак гликозидлари, аритмияга қарши воситалар, аъзо ва тўқималарнинг қон билан таъминлишини яхшиловчи препаратлар, спазмолитиклар, артериал қон босимини меъёрлаштирувчи дорилар);

- сийдик ажралишини кучайтирувчи ва сийдик тошлари шаклланишини тўхтатувчи;
- моддалар алмашинуви-ни тартибга солувчи (гормонлар ва антигормонал препаратлар, витаминлар, ферментлар ва қон ивиши ҳамда қондаги холестерин миқдори-га таъсир кўрсатувчи дорилар);

- иммунитетга таъсир кўрсатувчи (иммуномодуляторлар ва иммунокорректорлар);

- антиоксидантлар;
- марказий асаб тизими-га таъсир кўрсатувчи (наркоз, уйку дорилари, талвасага қарши препаратлар, транквилизаторлар, антидепрессантлар, психостимуляторлар, ноотроп препаратлар);
- микроб, вирус, паразитлар ва замбуруғларга

қарши дори воситалари (антибиотиклар, интерферонлар, антисептиклар ва турли синтетик препаратлар);

- ташхис қўйишда ишлатиладиган воситалар (контраст моддалар, бўёқлар).

— Кўпчилик дори ичиш миқдори-га деярли амал қилмайди. Бу ҳол организмга зарар келтирмайдими?

— Биласизми, дорилар аниқликни ёқтиради. Уларни шифокор белгилаган миқдордан кўп ёки кам қабул қилмаслик керак. Ҳатто витаминлар ҳам ошқоқроқ миқдорда ичилса, организмда жиддий ўзгаришлар келтириб чиқаради. Масалан, Д витамини суиистеъмол қилинганда, буйрак фаолияти издан чиқиб, кальций алмашинуви бузилади. С витамини препаратлари узоқ муддат ичилса, тромблар (тиқилмалар)га сабаб бўлади. А витаминини кўп ичиш орқамия суоқлиги босимининг ошишига олиб келади.

Антибиотикларни ўз билганича ичган киши аллергик касалликларга йўлиқиши турган гап. Шунингдек, оғриқ қолдирувчи ва иссиқни туширувчи баъзи препаратлар (анальгин, цитромон, аспирин)ни тез-тез қабул қилиш натижасида қон таркиби бузилади, овқат ҳазм қилиш йўллари зарарланади.

Тинчлантирувчи ва уйку келтирувчи дорилар (седуксен, элениум, таминал)га ўрганиб қолиш оғир асоратларни келтириб чиқаради. Хуллас, дорилар нотўғри ишлатилганда организмга таъсир қилмай қўяди, шундан сўнг миқдори (дозаси)ни ошириш зарурияти туғилади. Улар асаб тизими-га таъсир қиладиган препаратлар бўлгани учун миқдори оширилса, жиззакилик, хотира заифлашиши, тушқунлик сингари психик ҳолатларни юзага келтиради.

— Дориларни қабул қилиш вақтига кўпам эътибор бермайдиган кишилар бор. Улар «барибир ичсам бўлди-да» деб ўйлаб дориларни ёдига тушиб қолганда ичиб юбораверишади...

— Бу нотўғри. Чунки дори белгиланган вақтда ичилмас, таъсири оз бўлади. Масалан, овқат вақтида ичилиши буюрилган «Фесталь» гуруҳидаги дорилар ошқоқзон ширасига таъсир кўрсатувчи препа-

ратлардир. Улар ошқоқзонга овқат билан баравар тушиб ҳазм қилишда ёрдам беради. Айтиш жоизки, кўпгина дори воситалари овқатдан 30-40 дақиқа олдин қабул қилинади, чунки бу вақтда улар яхши сўрилади.

Юрак дорилари, сульфаниламидлар эрталаб ошқоқзон ширасининг кислоталиги паст бўлган пайтда, яъни нонуштадан 20-40 дақиқа олдин ичилади. Агар дори овқатдан сўнг қабул қилиниши лозим бўлса, яхши натижага эришиш учун уларни овқатлангандан икки соат ўтиб ичганингиз маъқул.

Диазолин, раунатин, аспирин, парацетамол сингари дориларни овқатдан кейин ярим соат ўтгач ичиш керак. Валериана тиндирмаси ёки карвалол суоқлиги тинчлантирувчи хусусиятга эга бўлиб, фақат ухлаш олди-дан ичилади.

Айрим дори воситалари тил остига сўрилади. Оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати қон билан жуда яхши таъминланган бўлиб, баъзи кучли препаратлар жигарга таъсир кўрсатмаслиги учун шундай усул қўлланилади. Мисол учун, юрак хуружида нитроглицерин тил остига ташланса, жигарни четлаб ўтиб, дарҳол умумий қон оқими-га қўшилади.


Алоҳида таъкидлаш керакки, гормонал дори препаратлари махсус схема бўйича ҳар куни бир вақтда ичилади. Акс ҳолда организмда гормон ишлаб чиқарилишига зиён етади. Шунингдек, витаминлар ва таркибида кальций мавжуд бўлган дорилар фақат эрталаб, кунига бир маҳал ичилади.

Мияда қон айланишини яхшиловчи (кавинтон, трентал, циннаризен) ва бронхолитиклар (беродуал, бронхолитин, салбутамол) ни ичиш овқатланиш вақтига боғлиқ эмас.

— Баъзи бир кишилар дори ёқмаслигидан қийналишади...

— Организми дорига ўта сезгир бўлган бемор дори қабул қилгандан кейин бир неча соат ўтгач оёқ-қўл терисига доғлар, тугунча ва пуфакчалар тошади. Аксарият ҳолларда бундай тошма ва доғларга қараб, қайси дорининг организмга ёқмаганини айтиш мумкин.

Масалан, сульфадемизин ва сульфаниламид препаратлар ёқмаса, терининг айрим жойларида катта-катта тўқ қизил доғлар пайдо



бўлади. Кейинчалик улар кўкимтир бинафшаранг тус олиб, ўртасида пуфак ҳосил қилади. Бемор бир неча ой ўтиб яна шу доридан ичса, тананинг худди шу жойларига илгаригига ўхшаш тошмалар тошади.

Узоқ вақт йод, бром препаратларини ичиб юрган беморнинг танасига нўхатдек, баъзан ундан каттароқ хуснбузарлар тошади. Антибиотикларга сезувчанликда эса терига эшакем тошади. Шунингдек, крем суртиш натижасида ҳам терига тошмалар тошиши мумкин. Бунда крем суртилган жой ачишиб қичишади, баъзан шишади, пуфакчалар ёрилади. Кўпинча бундай ҳолат илон ёки асалари захри қўшиб тайёрланган мазларни ишлатгандан сўнг юзага келади.

Умуман, дори ёқмаслиги туфайли тошмалар пайдо бўлганда, бемор аччиқ ва шўр нарсаларни вақтинча емай туриши, кўпроқ суоқлик ичиши ва бошқа маҳаллий дорилардан ҳам фойдаланмаслиги керак.

— Дори эскириб қолмаслиги ёки таъсири сусаймаслиги учун уларни қаерда ва қай шароитда сақлаган маъқул?

— Тўғри сақланмаган дориларнинг сифати бузилади, таъсир кучи сусаяди. Аксарият дориларни сақлаш қоидалари уларнинг ёрлиғида ёзиб қўйилган бўлади, шунга амал қилиш лозим. Дорихоналардан буюртма асосида олинган дориларни тайёрланган кунидеъ ишлатиб юборган маъқул.

Кўз ва бурунга томизиладиган томчилар, инъекция эритмалари, суспензия ва эмульциялар 2-3 кун ичида ишлатилиши шарт. Сувли дамламалар, доривор ўсимликларнинг қайнатмалари ҳам тез бу-

зилади. Шунинг учун ҳам улар кун давомида ичилиб, эртасига янгидан тайёрланади.

Уйда сақланаётган дориларни ҳар ярим йилда бир марта кўздан кечириб туриш зарур. Эскирган ёки уваланган ҳабдориларни ташлаб юбориш, суоқ дорилар, курук ва сиропларни эса канализацияга оқизиш керак.

Умуман, ичиладиган ва сиртдан ишлатиладиган дориларни алоҳида-алоҳида, курук ва мўтадил шароитда сақлаган маъқул.

Ҳар бир хонадонда дориларни сақлаш учун кичик қутичалар бўлгани яхши. Бундай қутичаларда тез-тез зарур бўлиб турадиган йод, пахта, термометр, нашатир спирти, шунингдек, сурункали касалликлари бор беморларга буюриладиган доридармонлар (масалан, юрак касалликлари учун мўлжалланган валидол, нитроглицерин) ёки ошқоқзонда муаммоси бор беморларга тавсия қилинган препаратлар (альмагил, ранитидин) бўлиши лозим.

Борди-ю беморнинг дарди кўзиб, аҳволи ёмонлашса, дориларга ишонмасдан мутахассис шифокорга кўрингани маъқул. Чунки, врач тавсия этмаган дорилар ичилса, хасталик тузалиш ўрнига баттар оғирлашади.

Дори-дармонлар бемор дардини енгиллаштиради, оғриқларни қолдиради. Бироқ улардан фойдаланишда киши хамиша ҳушёр бўлиши керак. Унутманки, дори қанчалик шифобахш бўлмасин, агар у нотўғри қўлланилса, организмга зиён келтирувчи захарга айланади.

Г. ЖАМИЛОВА  
суҳбатлашди

● **Волейбол**

Навоий вилояти хокимлиги, вилоят Марказий банк бош бошқармаси ва Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаб уюшмаси Навоий вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган волейбол мусобақасида 15 банк жамоалари иштирок этди.



**Банкирлар беллашуви**

Мурасасиз кечган мусобақаларда вилоят Марказий банк бош бошқармаси жамоаси голибликни қўлга киритди. «Асакабанк» ва «Микрокредитбанк» жамоалари эса 2- ва 3-ўринларни банд этишди.



— Спорт бу нафақат ўйин, балки ўзига хос маънавий дам олиш ҳамдир. Менимча, барча иштирокчилар ҳам жисмонан, ҳам маънавий куч тўплашди, — деди «Энг мохир хужумчи» номинацияси голиби О.Чинқулов.

— Раҳбар нафақат ўз ишида, мана шундай спорт учрашувларида ҳам қўл остидагиларга намуна бўлса, бу жамоани ютуқларга етаклайди. Ўтказилган ўйинлардан завқ олди. Айниқса, «Асакабанк» ва Марказий банк бош бошқармаси ўйини жуда шиддатли ва қизиқарли кечди. Таъбир жоиз бўлса, ўзимизни худди профессионал ўйинчилардек ҳис қилдик, — деди «Энг мохир сардор» номинацияси голиби А. Шамсиев.

Голиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан таъсис этилган кубок ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

**Шухрат ХАЛИЛОВ,**  
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаб уюшмаси Навоий вилоят кенгаши раиси

● **Футбол**

**ОТ ИЗИНИ БОСМАГАН ТОЙЛАР**

Непалда футбол бўйича 2014 йил январ ойида ёшлар (U-22) ўртасида ўтказиладиган Осиё чемпионатининг «D» гуруҳи саралаш босқичига старт берилди. Ушбу гуруҳдан Ўзбекистон, Иордания, Яман, Бангладеш ҳамда мезбон — Непал терма жамоалари ўрин эгаллаган.

Алексей Евстафеев мураббийлигидаги терма жамоамиз ўзининг илк расмий учрашувида Бангладеш терма жамоасини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Павел Смоляченко биринчи бўлимнинг 40-дақиқасида ҳисобни очган бўлса, иккинчи бўлимда Имон Маҳмуд (55-дақиқа)

пеналтидан унумли фойдаланиб, ўртадаги мувозанатни тиклади. Ўйиннинг асосий вақти яқунланишига яқин қолганда Шоҳруҳ Гадоев жамоамизга галаба келтирган голга муаллифлик қилди.

Ёш футболчиларимиз навбатдаги учрашувни Непал терма жамоасига қарши ўтказди.



Эслашиб ўтамиз, Непалдаги «D» гуруҳи саралаш ўйинлари 16-24 июн кунлари бўлиб ўтади. Ўз гуруҳида дастлабки икки ўринни қўлга киритган жамоалар финал босқичига тўғридан-тўғри йўлланмани қўлга киритади, шунингдек, жами етти саралаш гуруҳида энг яхши натижа кўрсатган учинчи ўриндаги бир жамоа ҳам финал раунди иштирокчисига айланади.

**Таътилда бўш ўтирма!**

Тошкентда 1999-2000 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида футбол бўйича республика турнири ўтказилди.

Ёш иқтидор эгаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган турнирда юртимизнинг турли ҳудудларидан ташриф буюрган 22 жамоа 6 гуруҳга бўлинган ҳолда голиблик учун кураш олиб борди.

Финалда саралаш баҳсларидан муваффақиятли ўтган Андижоннинг «УзДонгЖу» жамоаси ва Тошкент шаҳридаги футбол бўйича ихтисослашган давлат мактаб-интернати тарбияланувчилари ўзаро беллашди. Унда андижонликлар 2:0 ҳисобида устунлик қилиб, бош совринни қўлга киритди.

«Пахтакор» футбол академияси тарбияланувчилари бронза медал билан тақдирланди.

● **Теннис**

**Денис ёмон бошламади**

Юртимизнинг биринчи рақамли теннисчиси Денис Истомин (дунё рейтинг жадвалида 41-ўрин) Истборн (Буюк Британия) шаҳрида ўтказиладиган халқаро турнирни галаба билан бошлади.

Яккалик баҳсларининг дастлабки учрашувида франциялик Микаел Ллодрага қарши кортга чиққан ҳамюртимиз 6:4, 6:3 ҳисобида галаба қозониб, иккинчи босқичга йўл олди.

Энди Денис чорак финал йўлланмаси учун мазкур халқаро турнирнинг иккинчи рақамли теннисчиси Марсел Гранолерс (Испания) билан беллашади.

Бундан ташқари, теннисчимиз россиялик шериги Михаил Елгин билан жуфтликлар баҳсида Треат Конрад Юей (Филиппин) ва Оливер Марах (Австрия) дуэтини 6:3, 7:6 ҳисобида мағлубиятга учратиб, чорак финалга йўлланма олди.

Энди италиялик Даниеле Браччали ва Андреас Сеппи жуфтлиги билан баҳс олиб борилади.

● **Енгил атлетика**

**Яна икки йўлланма**

Алмати шаҳрида енгил атлетика бўйича ташкил этилган мусобақада терма жамоамиз аъзолари Елена Смолянова ва Сухроб Хўжаев Лондон олимпиадаси йўлланмаларини қўлга киритди.

Ядро улоқтириш баҳсларида Елена 17 метр 68 см. натижа билан олтин медалга сазовор бўлди. Босқон улоқтиришда Сухроб 74 метр 20 см. кўрсаткич билан барча рақибларидан устун эканини исботлади.

Таъкидлаш жоизки, бугунга қадар 55 нафар спортчимиз Лондон олимпиадаси йўлланмаларини қўлга киритди.




Енгил атлетика бўйича Москва вилоятида ўтказилган халқаро турнирда ҳамюртимиз Иван Зайцев олтин медални қўлга киритди.

**Шант баланд бўлгач**

Найза улоқтириш бўйича ўтказилган мусобақада 85 метр 3 см. натижа кўрсатган спортчимиз ўзининг шахсий рекордини ҳам янгиллади.

Эслашиб ўтамиз, Иван Зайцев Лондон (Буюк Британия) шаҳрида ўтказиладиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган.



● **Дзюдо**

**Татамида — ўсмирлар**

«Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида дзюдо бўйича 14-16 ёшли полвонлар ўртасида халқаро турнир ўз якунига етди.

Нуфузли мусобақада ҳамюртларимиз билан бирга Россия, Қозоғистон ва Тожикистондан ташриф буюрган 337 нафар дзюдочи тўққиз вазн тоифасида голиблик учун куч синашди.

Ёш полвонларимиздан Бекпўлат Худойназаров, Камрон Нуруллаев, Ҳасан Умаров, Зоир Абзалов, Урол Ҳусанов, Асаджон Матқурбонов, Муҳриддин Мирзаёров, Элшод Исоқов олтин медалларни ўзлариники қилишди.

Бундан ташқари, спортчиларимиз тўққиз кумуш ва ўн етти бронза медалга ҳам сазовор бўлдилар.

Голиб ва совриндор спортчиларимиз жорий йилнинг 28-30 сентябр кунлари Хитой Тайпейида дзюдо бўйича ўтказиладиган Осиё чемпионатида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади.



● **Юнон-рум кураши**

Украинанинг Мариупол шаҳрида юнон-рум кураши бўйича ўтказилган анъанавий халқаро турнирда полвонларимиз икки олтин ва бир бронза медалга эга чиқишди.

**Бориға барака**


55 кг. вазн тоифасида гиламга чиққан Элдор Ҳафизов барча рақибларини мағлубиятга учратиб, мусобақа голибига айланди.

Яна бир полвонимиз — Элмурод Тошматов ҳам (-60 кг.) олтин медалга лойиқ эканини амалда исботлади.

Вазни 84 кг.гача бўлган полвонлар ўртасида эса Руслан Асқолов бу гал учинчи ўрин билан кифояланди.



**Қилич қадри**



Юртимизда барча спорт турларига катта эътибор ҳамда яратилаётган қулай шароит ўз мевасини бермоқда. Бунга пойтахтимизда Халқаро қиличбозлик федерацияси (FIE) шафелигида ўтказилган семинар мисол бўла олади.

Таъкидлаш жоизки, қиличбозлик бизнинг тупроғимизда қадр топган, минг йиллар мобайнида санъат даражасига кўтарилган.

● **Хушхабар**

Семинарда мураббий ва мутахассислар иштирок этди. Тадбир якунида Тошкентда Марказий Осиё қиличбозлик ассоциацияси ва штаб квартирасини тузишга келишиб олинди.

Юртимиз Қиличбозлик федерациясидан хабар қилишларича, яқин кунларда Хитой Тайпейи, Ҳиндистон, Бангладеш, Туркменистон, Қозоғистон ва Қирғизистон давлатлари қиличбозлари билан ҳамкорликда шпага, рапира, сабла бўйича ўқув-амалиёт машғулотлари ўтказиш режалаштирилмоқда.

**Адҳам АРСЛОНОВ,**  
«Ishonch» мухбири

## Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касба уюшмаси Бухоро вилоят кенгаши

Жамиятимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган барча журналистларни, ҳамкоримиз ва яқин маслаҳатчимиз — «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари тахририяти ходимларини касб байрамлари — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан қутлайди.

Фидойилик кўрсатиб келаётган барча қалам аҳлига ҳамиша соғлиқ-омонлик, хуш кайфият, оилавий тотувлик, ижодий баркамоллик тилайди.

**Ҳаёт билан  
ҳамнафас қадам  
ташлаш ҳамиша  
эзгуликлар сари  
бошлайверсин.**

## Жиззах вилоят Алоқа ходимлари касаба уюшмаси бирлашган қўмитаси

Мамлакатимиз оммавий

ахборот воситалари

ходимларини касб

байрамлари билан

самимий қутлаб, уларга

муштақам соғлиқ,

оилавий бахт, ижодий

баркамоллик тилайди.

**Юксак зафарлар,**

**муваффақиятлар**

**Сизга ёр бўлсин!**



## Фазогирлар учун янги таомлар

Халқаро космик станция фазогирларига Япония миллий ошхонасининг қарийб ўттиз хил таоми юборилади. Маълумотларга қараганда, Япониянинг миллий аэрокосмик агентлиги саралаб олган овқатлар менюсидан сув ўтларида тайёрланган шўрва, лағмон, гуручли нон, балиқ, ҳатто ширинликлар ҳам жой олган.

Хабарларга кўра, агентлик фазога олиб кетиладиган овқатларни икки хусусиятига қараб танлаб олган: улар хона ҳароратида йил мобайнида яхши сақланиши ва вазнсизлик ҳолатида тўқилиб кетмаслиги лозим.

## Экологик хавфсиз компютер

Хитойда корпуси ва клавиатура панели бамбукдан тайёрланган портатив компютер ишлаб чиқарилди, деб хабар беради РАТА-ТАСС. Мазкур компютер бошқаларига нисбатан экологик жиҳатдан анча хавфсиздир.

Статистик маълумотларга қараганда, Хитойда ҳар йили беш миллиондан ортиқ эскирган компютер қайтадан таъмирланади ва фойдаланишга топширилади. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, ушбу кўрсаткич яқин беш йил ичида 25-30 фоиз ўсади.

## Музейдаги жиноят

Франциядаги Жюль Шере номидаги тасвирий санъат музейидан номатълум шахслар томонидан тўртта қимматбаҳо сурат ўғирланди.

Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, иш вақтида музейга бостириб кирган жиноятчилар ходимларни кўрқитиб, Брейгель, Сислей ва Моне мўйқаламига мансуб ноёб асарларни олиб қочган.

## Эсдалик совғалар ватани.

Жаҳон бозоридаги эсдалик совғаларнинг олтимиш фоизи Хитойда ишлаб чиқарилади, деб хабар беради РАТА-ТАСС. Хабарларга кўра, мамлакатда йилига икки юз миллиард юанлик (қарийб ўттиз миллиард АҚШ доллари-га тенг) совғалар тайёрланади. Маълумот ўрнида шуни айтиш жоизки, ҳозир Хитойда бундай маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган юздан зиёд корхона фаолият юритмоқда.

ЎЗА

## Жағингни кўрсат, ёшингни айтаман!

Америкалик олимлар одамнинг ёшини пастки жағининг тузилишига қараб аниқлаш мумкин эканини таъкидламоқда. АҚШ пластик жарроҳлар жамияти мутахассислари томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида пастки жағининг вақт ўтиши сайин катталлашиб, квадрат шаклига айланиши аниқланди.

Хабарларга қараганда, одамдаги айнан шу аъзо ёрдамида юзида ажинлар ва бошқа кексалик аломатлари бўлмаган кишининг ҳам ёшини аниқлаш мумкин. Соҳа мутахассисларининг фикрича, жағ қанча кичик бўлса, инсон шунча ёш кўринади.

## «Тойота» автомобилларини қайтариб олади

Япониянинг «Тойота» автомобил концерни бутун дунё бўйлаб 2007-2010 йилларда ишлаб чиқарилган тўрт хил русумдаги тўқсон бир мингдан зиёд юк автомобилларини қайтариб олишини эълон қилди.

Компания вакилларининг сўзларига кўра, мазкур машиналарнинг тун чикариш тизимида техник носозлик аниқланган. Харакатланиш жараёнида транспорт воситаларининг бу тизими сочилиб кетиш ҳолатлари кутатилган. Оқибатда беш юзга яқин транспорт ҳодисаси рўй берган.

## «Surxondaryo mulk markazi»

МЧЖ бошланғич баҳоси  
босқичма-босқич ошиб бориш  
тартибида ўтказиладиган  
аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Музработ туман суд ижрочилиари бўлими томонидан, ЖИБ Музработ туман судининг 2010 йил 25 майдаги 1-104-сонли ижро ҳужжати асосан хатланган, фуқаро Ф.Қурбоновга тегишли, Музработ туман ИИБда сақланаётган куйидаги автотранспорт воситаси кўйилмоқда.

1.ВАЗ-2101 русумли, д/р 18 Р 83 73, 1972 й и/ч яроқли ҳолатдаги автомашина.

Бошланғич баҳоси —1 920 800 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 23 июл куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири муддати: 2012 йил 20 июл куни соат 18:00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Surxondaryo mulk markazi» МЧЖ нинг ОАТБ «Микрокредитбанк» Термиз шаҳар амалиёт бўлимидаги куйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р 20208000504941294001, МФО 01326, ИНН 302125729.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Сурхондарё вилоят, Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси, 32-уй «Тадбиркорлар маркази» Тел: 227-57-94.

25 октябр 2011 йилдаги реестр рақами 972-сонли гувоҳнома.

## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ва Бухоро вилояти кенгаши жамоалари таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилояти кенгаши раиси Бахшилло Умаровга падари бузруквори **Жўракул отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

## Кўрик-танлов



# Онам айтган аллалар

**Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти кенгаши томонидан Зангиота туманидаги 13-муסיқа ва санъат мактабида «Онам айтган аллалар» кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди.**

Алла, лапар, ёр-ёрлар. Булар чиндан ҳам киши юрагини завққа, гурур ва ифтихорга тўлдирди. Эндигина балогат оstonасига қадам қўяётган қизларимиз ижросида оналарнинг сеҳрли аллаларини тинглаш қалбни ҳаяжонга солади. Кўрик-танловни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ҳам оиладаги маънавий муҳитнинг посбонлари бўлган хон-қизлар дунёқарашини кенгайтириш, юртимизнинг чекка қишлоқларидаги тўй маросимларида ижро этиладиган алла, ёр-ёр, лапар ва ўланларни кенг тарғиб этишдан иборат.

— Ушбу кўрик-танловда илк бор иштирок этаётганим учун қаттиқ ҳаяжонландим, — дейди 13-болалар муסיқа ва санъат мактаби ўқувчиси Нодирахон Каримжонова. — Қарангки, жамоамиз билан биргаликда яхши натижани қўлга киритиб, республика босқи-

чига йўлланма олдик. Қувонарлиси, азалий қадриятларимиздан бохабар бўлдим.

— Қизларимиз ижро этган ёр-ёр ҳакамлар томонидан эътироф этилди, — дейди Янгийўлдаги 24-мактаб ўқитувчиси Наргиза Қўчқорова. — Бир пайтлар бугунгидек замонавий машиналарда эмас, балки автобусда палак тутиб, келинни ёр-ёрлар билан куёвниқига кузатиб кетишарди. Биз шу удумни саҳна кўриши орқали гавдалантиришга ҳаракат қилдик.

— Кўрик-танлов йилдан-йилга ёшларнинг миллий қадриятларимизга бўлган муҳаббатини оширмакда, — дейди ҳакамлар ҳайъати аъзоси Нигора Холхўжаева. — Бадий чикишлар бир-бирига ўхшамайди. Уларни баҳолашда иштирокчиларнинг кийиниши, саҳнада ўзини тутиши, артистик ва ижро маҳоратига эътибор қаратдик.

Танлов натижасига кўра бекободлик Мафтуна Бердибоева «Энг яхши алла ижрочиси», Зангиота туманидаги 13-муסיқа ва санъат мактаби ўқувчи қизлари «Энг яхши ёр-ёр ва лапар ижрочиси», Чиноз тумани иштирокчилари «Энг яхши миллий либослар» йўналишлари ғолиби сифатида эътироф этилди.

**Назира БОЙМУРОДОВА,**  
«Ishonch» мухбири.  
Муаллиф олган суратлар



Бухорода XII анъанавий «Ипак ва зираворлар» фестивали бўлиб ўтди. Вилоят ва Бухоро шаҳар ҳокимликлари, «Ўзбектуризм» миллий компанияси худудий бошқармаси, қатор ННТлар ташаббуси билан ўтказилган тадбирда юртимиз ва кўшни давлатлар хунармандлари, саёхлик фирмалари вакиллари, чет эллик меҳмонлар қатнашишди.

## Зираворлар фестивали

Кўчма павилонларда халқ амалий санъат асарлари ҳамда миллий рўзгор буюмлари кўргазмалари намойиш қилинди. 50 хилга яқин шифобахш ўсимликлар, мева қоқилари, зираворлар тақдим этилди. Сайёҳлар учун шаҳарнинг турли масканларида фолклор-этнографик ансамбллар ва ёш ижрочиларнинг концерти намойиш этилди. Миллий таомлар кўрик-танлови ўтказилди. Бир сўз билан айтганда, уч кун давом этган фестивал чинакам байрам тусини олди.

**Иззатулла ХОЖИЕВ,**  
«Ishonch» мухбири

## Истеъдодлар орасида

# ИСМИ ЖИСМИГА МОНАНД

**2009 йилда Китоб туманидаги 10-болалар муסיқа ва санъат мактаби капитал реконструкция қилинди. 2010 йилда Қарши шаҳрида 1-БМСМ биноси янгидан қурилди. Қарши туманида 7-ҳамда Яккабоғдаги 18-БМСМ реконструкциядан ўтиб, янада чирой очди. Ўтган йили эса Фузордаги 4- ва Миришкор туманидаги 3- болалар муסיқа ва санъат мактаблари янгидан бунёд бўлди. Касби туманидаги 14-БМСМ ҳам капитал реконструкция қилинди.**

Жорий йилда, Муборақдаги 11-, Косон туманидаги 8-БМСМ янгидан қурилса, Нишон туманидаги 12- ва Шаҳрисабздаги 17-болалар муסיқа ва санъат мактаблари капитал реконструкция қилиниши режалаштирилган. Қарши шаҳридаги 1-болалар муסיқа ва санъат мактаби кўп йиллик тарихга эга бўлиб, ўз фаолиятини шаҳар четидаги эски бинода олиб

борарди. Ўтган йилдан эътиборан шаҳарнинг қоқ ўртасида қад кўтарган замонавий мажмуа мактаб ихтиёрига топширилди.

— Мактабимиз 11 та йўналишда фаолият кўрсатмоқда, — дейди Республика болалар муסיқа ва санъат мактаблари директорлар кенгаши раиси Фахриддин Умаров. — Унда амалий санъат, рақс ва тасвирий санъат йўналишларидан ташқари муסיқий

билимлар ҳам чуқур ўргатилади. Анъанавий хонандалик ва анъанавий созандалик, эстрада-фортепяно, амалий санъат кейинги уч йил ичида очилган янги йўналишлар саналади. 450 нафар ўқувчига 90 нафар педагог, тажрибали муסיқачилар таълим-тарбия бермоқда.

Ўтган йили «Янги авлод» танловининг республика босқичида Муниса Давронова фортепяно-классик.

Зилола Маҳмудова, Фарангиз Зайниддинова халқ чолғу асбоблари, Жавоҳир Отамуродов фортепяно-эстрада йўналишларида ғолиб ва совриндор бўлишди. Бундан ташқари, 2011 йил 19-23 май кунлари мактабда муסיқа ва санъат мактаби ўқувчиларининг Муҳиддин Қори Ёқубов номидаги республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Ушбу муассаса ўқувчилари ҳам ғолибларидан жой эгаллашди.

**Акмал АБДИЕВ,**  
«Ishonch» мухбири

Газетанинг навбатдаги сони 26 июн, сешанба куни чиқади.



**MUASSIS:**  
O'zbekiston Kasaba  
uyushmalari  
Federatsiyasi

**Bosh muharrir:**  
Abduxoliq  
ABDURAZZOQOV

**Tahrir hay'ati:**

Normamat ALLAYOROV,  
Muhammad Ali AHMEDOV,  
Oksana BELAUSOVA,  
Dovud MADIYEV  
(Bosh muharrir o'rinbosari),  
Baxtiyor MAHMADALIYEV,  
Sog'indiq NIYETULLAYEV,  
Eson RAJABOV,  
To'liqin TESHABOYEV,  
Jahongir SHAROFBOYEV  
(Mas'ul kotib),

**Bizga qo'ng'iroq qiling:**

Kotibiyat: 256-52-78  
Xatlar bo'limi: 256-85-43

**Viloyat muxbirlari:**

Andijon + 99897 465 05 68;  
Buxoro + 99893 653 50 81;  
Jizzax + 99872 360 00 10;  
Navoiy + 99894 226 28 84;  
Namangan + 99893 415 06 66;  
Samarqand + 99866 933 25 04;  
Surxondaryo + 99897 458 05 07;  
Farg'ona + 99873 679 32 79;  
Qashqadaryo + 99897 414 30 78;  
Qoraqalpog'iston Respublikasi  
va Xorazm + 99862 562 56 75;

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida  
0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.  
IBM kompyuterida terildi va sahifalandi.  
Ofset usulida bosildi. Bichimi A-3.  
Hajmi 4 bosma taboq.

**Manzilimiz:**

100165, Toshkent shahri,  
«Buxoro» ko'chasi, 24-uy.  
Nashr ko'rsatkichi: 133; 134

Gazeta haftaning seshanba,  
payshanba va shanba  
kunlari chiqadi.

**Sotuvda erkin narxda**

Mualliflar fikri tahririyat  
nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.  
Nashrimizdan ko'chirib bosilganda  
«Ishonch»dan olinganligi  
ko'rsatilishi shart.

Tijorat ahamiyatiga molik  
materiallar h belgisi  
ostida chop etiladi.

E-mail: ishonch  
2012@gmail.com



«Sharq» nashriyot-matbaa  
aksiyadorlik kompaniyasi  
bosmaxonasida chop etildi.  
Korxonamanzili: «Buyuk  
Turon» ko'chasi, 41-uy

**Navbatchi muharrir:**

**J. Sharofboyev**

**Navbatchi:**

**A. Arslonov**

**Musahhih:**

**N. Mahamov**

**Sahifalovchi-**

**dizayner:**

**H. Abdullilov**

**Bosishga topshirish  
vaqti - 21.00  
Topshirildi - 22.45**

**Buyurtma I — 611**

**Tiraji: 21585**

**ISSN 2010-5002**

1 3 4 5